



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 42 (4597) 2020-yil 27-oktabr

Давлат тилининг обрў-эътибори – бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ЯНГИ ЎЗБЕКISTON

Кушининг ҳам уяси бузилмасин.

Биласиз, шу йил май ойининг биринчи куни эди, Сардоба сув омборида фавқулодда ҳолат – тошқин рўй берди. Сардоба, Мирзаобод, Оқолтин туманларида 4710 та уй вайрон бўлди ё жиддий зарар етди. 28 маҳаллада тинч-осойишта яшаб келаётган қарийб 90 мингга яқин аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Бир қанча мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари фаолияти тўхтаб қолди.

туманларида амалга оширилаётган ғоят улкан кўламли бунёдкорлик ишларини кўриб, шубҳасиз, шундай хулосага келасиз. Хайратингизни яшира олмайсиз.

Куйдаги рақам ва далиллар бу ишларнинг кўлами ҳақида муайян тасаввур уйғотади, деб ўйлаймиз. Фалокат оқибатида 2211 хонадон ярқисиб, 2499 хонадон таъмирталаб

## САРДОБА МЎЪЖИЗАСИ



Президентимиз воқеа жойига етиб борди, талофат етган ҳудудларни кўрди, уй-жойи бузилган, жабр кўрган инсонлар билан юз-ма-юз суҳбатлашди. Давлат раҳбарининг: “Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингдамиз!” деган даввати мушкул аҳволда қолган одамларга мадад ва далда бўлди, ўқсиган кўнгилларни кўтарди. Жабр кўрган одамлар Президентнинг ғамхўрлигини, Президент уларга таянч ва суянч эканини яна бир бор хис этдилар. Халқнинг меҳри, давлатнинг эътибори бошига ташвиш тушган

минглаб одамларни саросима ва таҳликадан саклаб қолди.

Эл-юрт оёкка қалқди, мамлакат ёрдамга келди. Фожеа халқни жипслаштирди.

Орадан беш ой ўтди. Бугун Янги Ўзбекистонимиз бутун бўй-басти, куч-қудрати, ақл-идроқи, хусни-жамоли билан Сирдарёда яққол намоён бўлаётган.

Яқинда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Сирдарё вилоятига ташкил этилган пресс-тур чоғида Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод ва Сирдарё

ҳолга келган эди. Амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида бугунги кунда 52,5 гектар майдонда 2640 хонадондан иборат 86 та кўп қаватли уй қурилди ва босқичма-босқич фойдаланишга топширилмоқда. Айни пайтда доимий турар-жойига зарар етган аҳолининг қарийб 90 фоизи ёки 80064 нафар юртдошимиз ўз яшаш манзилига қайтди.

Бундан ташқари, Мирзаобод тумани “Навбахор” маҳалласида 100 та, “Янги Ўзбекистон” маҳалласида 6 та, Сардоба тумани “Юртдош” маҳалласида 48 та уй, 6 та хизмат уйи капитал таъмирланди. “Дўстлик” маҳалласидаги янги уй-жойлар мавзесида 275 ўринли боғча, 660 ўринли мактаб қуриб битказилди. Хар бири 500 ўринга мўлжалланган 3 та масжид барпо этилмоқда. Аҳоли пунктларида 66 километр газ қувури, 47 дона газ таксимлаш қурилмаси тикланди. Жойларда 11 та сув таксимлаш иншооти, қарийб 90 километр ичимлик суви, 7,9 километр оқова сув тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

## МУНОСАБАТ

### НАВОИЙЧА АЗМУ ҚАРОР ёхуд уйғониш даври инсон мўъжизаси

Навоий атрофида бирлашиш халқни шарафлантиради. 580 йилдан бери бу шундай исботини топган тарихий ҳақиқат.

Президентимизнинг мамлакатимизда Ўзбек тили байрами арафасида 19 октябрда имзо чеккан қарори билан маданий-маърифий ҳаётимизга буюк адиб, мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги руҳи-шукуҳи кириб келди.

Навоий ибтидодан интиҳогача руҳ масарратидир.



Навоий ижодиёти ҳамда фаолияти билан шуғулланиб келадиган айрим тадқиқотчилар ўзимизда ҳам, хоризжда ҳам уни мутасаввиף шоир деб талқин қилишни яхши кўрадилар ва хар сўзи, сатрдан тасаввуф рангу бўйлари топишга мойил бўладилар ва буни Навоий тимсолидаги ирфоний ҳодиса деб тушунтиришга уринадилар. Балки улар маълум даражада ва маълум маънода ҳақдилар. Навоийнинг даҳо серкирра ижодиёти ва ғоялари бунга имкон беради.

Аммо энг юксак маънода тугал англаб олмак керакки, Навоий ижодиёти ва фаолияти тор ва чекланган доирадаги қавмларга эмас, бошидан охири умумбашариятга мурожаатдир. Инсоният Уйғониш давларининг Вергилий, Овидий, Петрарка, Данте, Дю Белле тимсолида бўлгани сингари руҳ парвози ва

руҳоний масарратдир. Фақат улар бунга ақл-идроқнинг баъзи, Навоий эса руҳоний масаррат деб атаганди.

Масаррат руҳни, инсонни унинг инсоний мураккаблигида кашф этмоқлик мўъжизасидир. Навоий ўзининг барча асарларида тилга олиб ва баҳолаб ўтган барча инсонлар – Амир Темурдан тортиб Жомийгача, Хусайн Бойқародан тортиб ҳазрат Хожа Ахрор валийгача, Ансоридан тортиб Шайх Низомийгача, Хусрав Дехлавий, Лутфий, Шарафиддин Яздий, Мирхонд, Хондамир, Атойигача шундай инсоний руҳ масарратидега иштирок этадилар. Навоий ўзи ва улар яратган персонажларга оламнинг руҳоний қурилиши масаррати қатнашчилари каби намоён бўладилар.



## ДУНЁДА ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИРОФ ТОПГАН ТИЛ

Собиқ тузум ҳали ўз куч-қудратини йўқотмаган бир даврда ўзбек тилининг давлат тили сифатида эълон қилиниши тарихий воқеалик эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг чин маънода қаддини тиклаш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилишини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўтган йиллар давомида ўзбек тилини ривожлантириш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар бажарилди. Тилимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар номлари тикланди, улар илмий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича манзилли дастурлар қабул қилинди.

Сўнгги йилларда эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзбек тилига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришида, унинг

ҳалқаро микёсдаги мақомини мустаҳкамлашга бўлган интилишда ҳам намоён бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада барчага ўрнатилган бўлаётган, десак, муҳолафа бўлмайди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда халқаро минбарларда ўзбек тилида сўзламоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ўзбек тилида тақдим қилинди. Бу тарихий воқеа миллий ва халқаро жа-

моатчилик вакиллари томонидан илиқ қарши олинди. Чет давлатларда истикомат қиладиган ўзбек аҳолиси, ватандошларимиз, ўзбек тилини ўрганаётган хорижликлар хурсандчилиги хар биримизга фахр бағишлагани рости.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида бу борадаги вазифаларни янада чуқурлаштириш ҳамда ўзбек тили ва тил сифатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ҳамда вазифаларининг истиқболдаги босқичлари белгиланди.



## МЎЪТАБАР ТИЛИМИЗ МАҚОМИНИНГ МУНТАЗАМЛАШУВИ

Тилнинг бемисл ва буюк моҳияти, аввало, шундаки, улғу мутафаккир бобомиз Алишер Навоий айтганидек, у инсонни бошқа махлуқотлардан ажратиб туради. Тил – миллатнинг борлиги, бирлиги ва бутунлигини иборат саодатининг шаходати, у миллат сарватининг буюк ва суюқ хазинаси, сир синопатта лиммо-лим тилсимидир. Чунки миллат ибтидоидаги йўғракдан унинг интиҳосидаги оппоқ кафанга бўлган фурсатда шу тимсолсиз тилсим ичиде яшайди, шу тилсим Одамни, оламни ва Оллоҳни танимоқдай машаққатли ва шарафли йўлнинг

аввал-охир чароғбони ҳам шу тилсимдир. Шу тилсим воситаси билан халқ ўзини ҳам, керак бўлса, ўзгаларни ҳам маданият ва маънавиятнинг мухташам аршига олиб чиқади, дунё тамаддуни меҳваридан муносиб жой олади. Хар қандай халқнинг тафаккур ва тахайюл такомилли тарихи ҳам, дунёда ўзининг кимлигини англаш, қавмининг ҳақиқати ва хурлигини кўриш идроқи ҳам шу тилсимга кўра мавжуддир.

Она тилисиз халқ, миллат, маданият, маънавият каби мухташам ва мунтазам тушунчаларнинг моҳияти муаллақлашиши

шубҳасиз. Атокли америка тилшуноси У.Вайнрайхнинг ушбу сўзларида улкан азалий ҳақиқат кўзи тажассумини топган: “Тил ўз соҳибларига миллат ғояси билан уйғун бўлган миллий-ватанпарварлик туйғусини сингдира олади. Тил бошқа бир тилдан фарқли ва дахлсиз бир моҳият сифатида қадриятлар орасида юксак ва айни пайтда химоя қилинадиган мавқени эгаллайди”.

Айтмоқ лозимки, миллат ор-номусининг, кадр-кимматининг бошида она тили туради, миллат ҳақиқати муҳофазаси, энг аввало, она тили муҳофазаси демакдир ёки она тилига эҳтиром

миллатга эҳтиромнинг айнан ўзидир. Она тилида ўйлай билладиган одамгина шу тил эгаси бўлган халққа мансублигидан, бу халқнинг тарихидан, аждоғларининг буюқлигидан ифтихор қила олади, бу халқнинг бугуни ва эртасига собит ишонч билан қарайди, бугун ва эртанинг тугал бўлиши учун жонини жабборга бермоқни бурч деб билади. Ана шундай одамгина миллатни, унинг ҳақиқати бўлиши тилини мунтазам кўримоқдай мукаддас ишга ҳамиша ҳозир бўлади.



## АФИША

2019 йил охирида маҳоратли режиссёр Валижон Умаров Самарқанд мусиқий драма театри саҳнасида бош қаҳрамон образининг қутилмаган талқини билан “Қирол Лир”ни томошабинларга ҳавола этди. Режиссёр қатор монологлар, репликаларни қисқартириб, баъзи саҳналарни, ҳатто бутун бир кўринишларни қайта ишлаган ёки бутунлай олиб ташлаган. Қизиқ, классик асарларга шундай тарзда ёндашиш мумкинми? Мумкин экан. Бундай ҳолатда ҳаммаси режиссёрнинг тафаккурига, унинг ғоявий-мантқиқий йўналишини аниқ белгилаб олишига боғлиқ бўлади.

Шекспирнинг тўрт юз йилдан кўпроқ тарихга эга мураккаб фожени асарларидан бири бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Зеро, ҳамиша долзарб бўлиб келган оталар ва болалар мавзуси, ўзига тортувчи эҳтирослар, қарашлар, қизиқишларнинг ўзаро тўқнашувлари, чалқаш вазиятлар, топшиқмоққа ўхшаш воқеликлар ҳамон одамларни кизиктириб келади,

инсонларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари хусусида ўйга толдиради. Оилавий зиддиятни акс эттирувчи фожеа эса Шекспир каламида умуминсоний воқеликка айланди.

Постановкачи режиссёр анчадан буён ҳаммамизга маълум бўлган воқеаларни саҳнага кўчиришда Лир зиммасидаги ташвишларни кекса одамдан ёшлар зиммасига ўтказишга

қарор қилади. Унинг истаги аён: Лир ҳукмдорликдек ғалвали ҳаётдан озод бўлиб, эркинликдан баҳра олишни истади. Лир кизларидан қайси бири уни кўпроқ яхши кўришини билиб, шунга яраша улуш бериш мақсадида гўё бир томоша уюштиради. Иккита катта кизи қиролга ёқиб учун ёлғонларни тўқиб ташлашади, тўғрисиёз, ростгўй кенжа кизи Корделия эса кизнинг отасига бўлган ҳақиқий муҳаббати мактовларга муҳтож эмаслигини айтиб, бундай ўйинда қатнашишдан бош тортади. Унинг бу сўзлари Лир ўйлаган воқеликни, унинг режиссини бузиб юборади. Яъни Корделия отасига кулоқ солмайди, қирол тақлиф қилган ўйинни барбод қилиб, қондани бузади. Бунинг йўли битта — кенжа



қиздан воз кечиб, уни ҳайдаш ва унга тегишли меросни қолган иккита кизига бўлиб бериш.

Саҳна марказидаги баланд, тошдан қурилган девор ҳаракатга келиб, пьеса қаҳрамонлари пайдо бўладилар, воқеалар бошланади. Қўлида тож билан никоб тутган қирол пайдо бўлади. У ниҳоятда хотиржам ва диққатини бир ерга жамлаган. Лирни никобдаги аёнлар ўраб оладилар. Қизлари ҳам никоб тутган ҳолда пайдо бўлади. Қирол диққат билан атрофдагиларни кўздан кечиради, кизларини кўради, воқеалар қандай кечилиши, аниқроғи, меросхўрларнинг ҳолатини жиддий кузатади.



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Тижорат банкларида кредит олган 32 нафар юридик ва жисмоний шахса суғурта ташкилотлари томонидан 1,6 миллиард сўм товон пули тўланган. 39 та тадбиркорлик субъектининг 6 тасига суғурта тўловлари амалга оширилиб, 33 тасига 9,1 миллиард сўм тўлов белгиланган.

Зарар кўрган ҳар бир хонадон учун пластик карточка очилиб, 40 миллион сўм, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида жойлашган ҳар бир хонадон учун эса 20 миллион сўм миқдорда ёрдам берилган. Шикаст етган барча хонадон эгаларига 7 турдаги маиший техника жиҳозлари тарқатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, давлатимиз раҳбарининг топширигидан келиб чиқиб, умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 323 та янги лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Мазкур лойиҳалар доирасида 10307 та янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган. Бугунги кунда 623,2 миллиард сўмлик 182 та лойиҳа ишга туширилгани натижасида 5000 га яқин янги иш ўрни яратилди. Вилоятда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, бандликни таъминлаш борасида ҳам ишлар изчил олиб борилмоқда.

Режа асосида ташкил этилган пресс-тур янгиликларга бой бўлди. Минг марта эшитилган бир марта кўрган афзал, деган гапнинг тўғрилигига амин бўлди: Сирдарё туманидаги “Сирдарё мега-люкс” масъулияти чекланган жамияти полипропилен хомашёсидан қоп ва бошқа шу тур-

даги махсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Катта қувват билан ишлаётган мазкур замонавий корхона ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, айниқса, маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сардоба туманидаги “Дўстлик” маҳалласида 1480 та хонадонга эга бўлган 37 та уй-жой қурилган. Кўп

қаватли уйлар қурилишида маҳаллий иқлим шароити, масалан, қуёшнинг чиқиши ва ботиши, кишининг совуқ, ёзнинг иссиқ бўлиши, ҳатто шамолнинг эсишигача ҳисобга олинган.

— Сув тошқинидан сўнг бу ерлар ботқоққа айланиб қолди. Резина этик кийиб юрардик, — дейди меҳнат фахрийси Отабек Эгамбердиев. — Бу жойда шаҳар бино бўлади, дейишса, ишонмаган эдим. Буни қаранг, қиска беш ойда қандай чиройли уйлар қад ростлади. Бу уйларда энг замонавий инфратизим — газ, ичимлик суви, электр таъминоти, марказлаштирилган канализация мавжуд.

— Биз сув тошқини оқибатида умр бўйи йиққан-терганимиздан, барча уй буюмларимиздан бир зумда ажралиб қолдик. Ўзимиз зўрга қочиб чиқишга улгурдик, — дейди шу туманда истиқомат қилиб келаётган Гавхар Унгарова. — Ўша воқеаларни эсласам ҳозир ҳам титраб кетаман. Президентимизга катта раҳмат, бизга замонавий уй-жойлар барпо қилиб бердилар. Бугун маҳаллаимиз, кишлоғимиз шаҳардан қолишмайди.

Яқинда уч хонали уйнинг қалитини олдик. Шарт-шароитлари аъло. Энди бу уйда тўйлар қиламиз, ўғлимни уйлантириб, қизимни чиқарамиз.

Туманда қиска фурсатда “Сардоба-Оксарой-Текстил” тивув-трикотаж корхонаси барпо этилди. Бу ерда 1500 нафар ишчи-хизматчи, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилади. Улар маҳаллий аҳоли вақиллари. Муҳими, коллежаларни тугатган ёшлар корхона

нинг ўзида малакали мутахассислар томонидан иқтисодликка ўргатилмоқда.

Мирзаобод тумани “Навбахор” маҳалласида 360 оилага мўлжаллаб иссиқхоналар бунёд этилмоқда. “Бек-кластер” компанияси ташаббуси билан “Ижтимоий иссиқхона” лойиҳаси доирасида 64 та оилага 25 сотихлик иссиқхона имтиёзли кредит асосида берилди. 2-3 йил ўтиб, яъни кредит тўлиқ қоплангач, шу ерда меҳнат билан банд бўлган ҳар бир оила иссиқхонанинг эгасига, яъни тадбиркорга айланади. Яна бир муҳим янгилик: шу ернинг ўзида мазкур лойиҳа доирасида цитрусли, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази ташкил этилди. Унда айни соҳада банд бўлган ишчи-хизматчилар, тадбиркорлар иссиқхона хўжалигини илмий асосларда юритиш малакасини эгаллаб боради, тажриба алмашади.

“Янги Ўзбекистон” маҳалласи чиндан ҳам ўз номига муносиб. 12 гектар майдонда 800 хонадонга мўлжалланган 40 та беш қаватли уй-жой

барпо этилган бўлиб, уйлар табиий газ, ичимлик суви, узлуксиз электр қуввати ва канализация тизимлари билан таъминланган. “White city construction” қурилиш корхонаси томонидан қиска муддатларда қурилган бу уйларнинг ертўласида ҳар бир хонадон учун 15 метр квадратдан иборат алоҳида хона ажратилган, ундан омборхона сифатида фойдаланиш, болалар аравачаси, велоси-

ги туманларнинг номлари берилган. Ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшаш учун қулай тарзда қурилган уйлар, уларда яратилган шароит ва имкониятлар пойтахтдагидан сира қолишмайди. Массивнинг ҳамма жойидан кўзга ташланиб турган курант Тошкентдаги Амир Темури хибони ёнидаги, дунёнинг энг кўркам ва ривожланган мегаполисларидан бирига айланиб бораётган пойтах-

ри орқали Тошкентдаги йирик кутубхоналарга улашиш ва у ердаги видеокитобларни ўқиш имкониятини яратиш мўлжалланган. Ушбу кутубхонага “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳририяти томонидан бир қанча бадий китоблар топширилди.

Вилоятда янгитдан барпо этилган барча маҳаллаларда таълим, тиббиёт, маданият ва санъат муассасалари, гузарлар, кутубхона, саргарошхоналар, тикувчилик устахоналари, болалар майдончалари, болалар ва ўсмирларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатдиган махсус майдонча ва йўлақлар барпо этилган.

Илгари бу жойлардаги хонадонларда газ, ичимлик суви, канализация йўқ эди. Бугунги кунда янги маҳаллалардаги янги уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви, узлуксиз электр қуввати, текис ва равои йўллар ҳамда бошқа коммуникация тизимлари билан таъминланган. Яна бир муҳим жиҳати, янги уй эгаларининг аввалги ҳовлилари ҳам ўзларини қолди ва улар ҳам таъмирлаб берилди.

Медиа-тур кизикари, сермазун ўтди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бутун мамлакатимиз, бутун халқимизнинг куч-қудрати, ақл-идроки билан қиска фурсатда амалга оширилган ғоят катта қўламдаги бунёдкорлик ва ободликни кўриб, кузатиб, Янги Ўзбекистон Сирдарё вилоятида бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда, деган гапни яна бир бор ишонч, фахр ва гурур билан айтсак бўлади.

Ҳа, Сардоба фожеаси Сардоба мўъжизасига айланиб бормоқда.

Салим АШУРОВ

# НАВОИЙЧА АЗМУ ҚАРОР

## ёҳуд уйғониш даври инсон мўъжизаси

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Навоийнинг инсон ва борлик руҳонияти ва руҳини кашф этиш масаррати бор реал дунёнигина эмас, биз бугун андақ тасаввур қилоладиган коинотни, борлик Сомон йўли ва қуррайи арзни қамраб олади (табаррук замин ва биз барчамиз шу Сомон йўлининг қок ўртасида доим урушлар ва меҳнат заҳматлари ичида истиқомат қиламиз). Ҳеч муболага ва балиқпарвозлик бўлиб туюлмасинки, Навоий космик мавжудот, самовий мавжудликдир. Мен бун Вергилий, Данте, Петраркани ўқиб хайратланганларимда Навоийнинг насли сифатида ифтихор билан айтиб ўтаяпман. Ахир, шундай бўлмаса, бошқа ким

То камол ахлидин мақол ўлғай Одами зийнати камол ўлғай, —

деб ёза оладими? “Хамса”, “Чор девон”, “Назм ул-жавоҳир”, “Насойим ул-муҳаббат” да шундай масаррат яратувчи сўзлар Қахқашон бўлиб океанлардай муқаддас илохий Еру заминни тўлгантириб ётармиди?

Мунча ғаройибки, мисол айладинг, Барчани мирёоти жамол айладинг. Ганжинг аро меҳр фаровон эди, Лек боридин ғараз инсон эди...

“Хамса” бошдан-оёқ шундай самовий мавжудот қилқидан ёзилгандай эъжоз мақомидаги мисралар билан фаровон! Англашга интилайликки, Навоийча инсон борлик, коинотнинг ойнаси; коинот инсонда зухурланади; Навоий инсоннинг коинотдаги ўрни, вазифини шундай улғ микёсда белгилайди. Муболага қилмоқчи эмасман, Дантедан кўра анча илгарилар кетади: Дантеда европача тасаввур ва тафаккур. Навоийда эса бутун борлик Шарқ тафаккури ва тасвири. Ва заруран, навоийча инсонда барча ички, ташқи ҳолу ахвол коинот микёсида бўлиши шоъе ва жойиз. Даҳо фард.

Навоийча, одам боласи бежиз самога интилмайдми, бежиз самовий кемалар учирмайди. Навоий ўз даврида Илон Маск даҳосидан анча олдин самовий кемалар учирди. Фикри, хаёли самоча кўз илгамас баланду васеъ эди.

“Вале, конёе ўлмай ушок ишга ҳеч, димоғимда эди улғу печу печ.” Самовий мавжудот бўлмаса бундай фикрламайди. Навоий дунёга келиб ўзини фақат энг улғу

ишларга бел боғлаган, камарбаста ҳолда кўрди. Халқ учун, Ватан учун доим буюкдан буюк ишлар қилди, Космик эҳсон тимсолига айланди. Навоийнинг барча ишлари, сўзлари ўз мамлакатини ва халқи доирасидагина эмас, балки Ер юзи микёсида ҳам тенгсиз эҳсон. Агар Билл Гейтс Навоийни билганда эди бундан беҳад хайратга тушган бўларди. Кейо, Навоийнинг қайси сўзи, қайси иши, қайси фикрини ушок, яъни майда деб бўлади? Навоийда ундай сўз йўқ. Шунинг учун уни замонаси талотўплари ҳажга юбормай этагидан тугиб ўтирди. Сиз ўйлайсизки, у Низомийга, Атторма, Жомий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфийга фақат анъана боис, анъанавий шаклдан чекинмаслик учунгина пайров бўлдимми? Йўқ. У халқини шу каби даҳо донишмандлари даражасига олиб чиқиш мақсадида ўзига адо этиб бўлмасдай туюлган вазифа кўйди. Сўзини эли учун нақди фаровон қилди.

Карорнинг йиғирма бандида тайинланган вазибаларнинг барчаси истисносиз тарзда халқимизни — мамлакатнинг барча фуқароларини навоийёна улғу ишларга қорлаб турибди.

Айниқса, унда акс этган Навоий ва ёшлар деган бепоён мавзу адо этилиши аҳамиятига кўра Ватанимизнинг маданий-маърифий тақдири учун асдан-асл, соф олтиндан ҳам асл. Навоий ижодиёти ва фаолиятида доим ёшларни назарда тутди: илм-маърифат, эрк ва адолатга интилувчи ёш қаҳрамонларини инсониятга руҳоний ибрат намунаси қилиб кўрсатди. Шунинг учун ҳар бир ёш наср Навоийни ўз қалбининг ишқий ҳарорати, онгу заковатининг тоза тафаккури билан кашф этади. Бемисл севади.

Навоий қаҳрамонлари қанчалар ёш: Фарход, Лайли, Баҳром, Искандар, Дилором қанчалар оханрабо ва доим ўзига тортиб жозиб майдон яратиб туради. Навоий ғазаллари, рубоийлари, ахлокий-маърифий асарлари, китъалари ёшлар учун қанчалар жозибадор, қанчалар мафтункор! Ҳолбуки, бугун XXI аср!

Навоий аср-асрлар оша ёш насларни келажакнинг ақлий-ирфоний мўъжизалари сари бошлаб боради. Насллар Навоий ва унинг сўзлари билан келажакни забт этади. Унда мазмун, унда руҳ доим шундай! Муқаррар айтгай:

Навоий атрофида бирлашган халқ шарафланади.

Иброҳим ҒАФУРОВ, Ўзбекистон санъат арбоби

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Фармонга мувофиқ, 2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси ҳамда асосий йўналишлари тасдиқланди. Хусусан, хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатадиган дастурлар яратилиши, 2030 йилгача чет эл олий ўқув юрталарида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини 17 тадан 60 гагача кўпайтириш вазибалари белгиланди. 2025 йилга қадар «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари сонини 30 тага, 2030 йилгача эса 40 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

# ДУНЁДА ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИРОФ ТОПГАН ТИЛ

Ташкиллаш жоизки, мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари сазй-ҳаракатлари билан қатор давлатларда «Ўзбек тили дўстлари» клуби ташкил этилган. Жумладан, Япония, Германия, АКШ, Россия, Қозғоғистон, Афғонистон каби қатор давлатларда ана шундай клублар ўз атрофида ўзбек тили жонқуярларини бирлаштирган.

Албатта, «Ўзбек тили дўстлари» клуби фаолиятини янада ривожлантириш ва уларни зарур адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ишлар тизими амалга оширилмоқда. Мазкур фармон эса бу борадиган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Президенти Ўзбек тили байрами куни муносабати билан йўллаган табригида «Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда», дея алоҳида қайд этгани ҳам бежиз эмас.

Бунда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбек тилини кенг тарғиб қилиш мақсадида дипломатик ваколатхоналарининг томонидан турли маданий тадбирлар, танловлар ўтказилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрталари билан хориждаги олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада ривожлантирилмоқда.

Жорий йил 20 октябрь куни Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Ўзбек тили куни муносабати билан катта тантана ташкил қилинган ҳам она тилимизнинг халқаро қўламда ўсиб бораётган мавқеидан далолатлар. Ушбу тадбирда Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани иштирок этиб,

Ўзбек тилида табрик йўллагани дўст афғон эли раҳбарининг ўзбек миллиятига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромининг ифодаси бўлди.

Ашраф Ғани ўз табригида мамлакатда ўзбек тили дарий ва пушту тиллари қатори расмий тил экани, бу тилда жуда кўп адабиёт дурдоналари яратилганини эътироф этди. У мамлакатда ўзбек тилининг ривожланиши учун барча чораларни ишга солишга тайёр эканини билдирди.

Афғонистонда ўтказилган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Сардор Умуллоев раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этга-

жуда ўхшайди. Ўзбек тилини билганлар тарихан бой маънавиятга эга халқ хазинаси билан танишиш имконига эга бўлади», дея қайд этди Ч.Миязакани.

— Ўзбек тили ҳаётимга катта таъсир кўрсатган, — дейди АКШ харбий-денгиз академияси Минтакавий тадқиқотлар марказининг собиқ директори Марк Риз. — Ўзбек тилини Кўқон шаҳрида яшаган давримдан, яъни 1994 йилдан буён ўрганиб келаман. Ўша кезларда «Тинчлик корпуси» вақили эдим. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили мени ўзига бутунлай мафтун этди. Мен бу тилининг «асирлиги» айландим. Ушбу кизикки мени Абдулла Қо-

дирийнинг «Ўткан қунар» романини инглиз тилига таржима қилишга ундади. Шу қунарлар мен буюк ўзбек адабининг “Меҳробдан чаён” романини ҳам инглиз тилига таржима қилишни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Бугунги кунда европаликлар ҳам тилингизни катта иштиёқ билан ўрганишни бошлаган, — дейди Австрия Федерал савдо палатасининг Марказий Осиёдаги собиқ вакили Рудольф Таллер. — Хусусан, ўзим ҳам Эркин Вохидовнинг «Ўзбегим» шеърини ёд олганман. Қайси даврага кирмай мендан «Ўзбегим» шеърини ўқиб беришимни сўрашди. Бу бежиз эмас, деб ўйлайман. Зеро, шеърда миллат, Ватан, она тил улғуланган.

Польшада ҳам ўзбек тилига бўлган эътиборнинг сезиларли ортаётгани Р.Таллер фикрига ана бир далилди. Жумладан, Ян Оқон ўзбек тилини фаол ўрганиб келаётган польшаликлардан.

— Қадим Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон маданияти жозибали, тарихи эса улғувор. Шу боис бу тилда эркин мулоқот қилишни орзу қиламан. Ажойиб тухфа — Ўзбек тилини ўрганиш учун халқаро қўламда тақдим этилаётган имкониятлар учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман», дейди Я.Оқони.

Огайо давлат университети (АКШ)нинг Тарих ҳамда Яқин Шарқ тиллари ва маданияти кафедралари мудир Скотт Ливай ҳам ўзбек тили ва мамлакатимиз тарихи ихлосманди. У ўзбек тилини дастлаб АКШда ўрганди, Тошкентга сафар қилгач эса малакали ўқитувчиларга шогирд тусида.

Берлин давлат кутубхонасининг Шарқ бўлими раҳбари Кристоф Раухнинг қайд этишича, кутубхона фондида Яқин Шарқ ва Марказий Осиёга оид китоб ҳамда қўлёзмалар тўпламлари мавжуд. Улар ичида Ўзбекис-

тонга оид манбалар муҳим ўрин тутарди. Шу боис яқинда чоп этилган беш жилдик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» тўпламининг кутубхона фондига совға қилингани айни мудоао бўлди. К.Раух бунинг учун самимий миннатдорлик билдирди.

— Ўзбек тили туркий тиллар оиласида ўзига хос мавқега эга, — дейди Туркиянинг Измир шаҳрида жойлашган Эге университети профессори Синем Кучукағаўлу Тунч. — Тадқиқот ишимда ўзбек тили, хусусан, тақририй ва жуфт сўзлар масаласини бошқа туркий тиллар билан қиёсий равишда ўргандим. XX аср адабий муҳити, жадид адабиётини ўрганишда деярли

қийинчиликка дуч келмадим. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадид зиёлиларини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганидан хурсандман. Тадқиқотим билан алоқадор зотларнинг бундай улғу мукофотга эга бўлиши менга ҳам фахр бағишлади.

Ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича эронлик олимлар ҳам катта тажрибага эга. Жумладан, «Дўстлик» ордени соҳиб, профессор Муҳаммадзода Хусайн Сиддик Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш бўйича таникли тадқиқотчилардан.

— Ўзбек адабий тили тараккиётида XV асрнинг иккинчи ярми муҳим давр ҳисобланади. Бу вақтда Алишер Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётини юксак қўқиларга кўтарди, — дейди эронлик олим.

Ҳинд диёри учун ҳам ўзбек тили бегона эмас. Темурий Захириддин Муҳаммад Бобур бу ерда улкан давлат туган эди. Муस्ताқиллик йилларида эса тарихий алоқалар иқтисодий, ижтимоий ҳамкорлик учун муस्ताҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, Ҳиндистонда ҳам ўзбек тилини ўрганишга бўлган кизикниши янада оширмоқда.

Бугун Дехли шаҳридаги Жомия Миллия Исламия университетида ўзбек тили ўргатилмоқда. Ушбу шарафли ва масъулиятли вазифини университет ўқитувчиси Шохид Таслим муваффақиятли бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламда илхотлар натижаларидан бири сифатида ўзбек тили дунё узра янада юксак эъзоз ва эътироф топмоқда.

Жобир ХўЖАҚУЛОВ «Дунё» АА

# ХАЛҚИМФА ОМОНИК БАХШ ЭПИДИНГ ҲЗИНГ

Икром ИСКАНДАР



## МЕХНАТИМ

Ҳам зурурим, ҳам сурурим,  
ҳам ҳузурим, меҳнатим!  
Шароф Рашидов

Ассалом, умримга мазмун бахш этган,  
Ҳам шараф келтирган менга, меҳнатим.  
Мен сендан бахт топдим, халоват топдим,  
Сен билан тенг бўлдим тенгга, меҳнатим.

Сен Одам Атодан мерос аъмолсан,  
Қадрингни билганга ҳузурсан, болсан,  
Она сути каби оксан, ҳалолсан,  
Ҳалолликда энгсан энгга, меҳнатим.

Асрлар... Асрлар...  
Ёдга олсам гар,  
Боболар захмати кетгайми бадар,  
Тондан тунга қадар, тундан тонг қадар  
Тер бўлиб сингансан энгга, меҳнатим.

Гох қахат бўлса-да, бир парча бўзинг,  
Элга илинж берди бурда ризқ-рўзинг,  
Халқларга омонлик бахш этдинг ўзинг,  
Барча машаққатни энга, меҳнатим.

Интилсанг – саодат ёр экан мудом,  
Сенингсиз турмуш ҳам хор экан мудом,  
Дунё ҳам кўзингга тор экан мудом,  
Бу олам кенг экан кенгга, меҳнатим.

Қайда бўлсам, сен-ла фахр этиб юрдим,  
Сенда ўғил-қизим ризқини кўрдим,  
Биламан, сен билан юксалгай юртим,  
Шу боис, бор меҳрим сенга, меҳнатим.

## ПОЛИЗ НАТОРМОРТИ

Бир тараддуд кезар полизда.  
Гарчи ҳали осмон мовийдир,  
қайноқ қунлар қолган олисда –  
тарқайган тун салқинида  
қовуннинг бадани совийди.

Ўтаётган вақт талқинида  
тасвир топган қоқ қовоққа боқ.  
Мана, энди сувлар тиниди,  
қандай етилди у, бир пайтлар  
ҳандалакдан олганди сабоқ.

Кўёш хали ўқимай байтлар,  
хали қочмай шудрингнинг нами,  
тарвуз тонгга саломлар айтар –  
тарсиллаган таранг танидан  
таралади тароват таъми.

## МАНЗАРА

Кўёшнинг шашти наст  
ё бир ўйга ғарқ,  
кўзин қисиб қарар  
оламга бефарқ.  
Нима бўлётганин  
англолмай қарахт,  
атрофга безовта  
боқар ҳар дарахт.

Шамол эса хушхўл  
топгандай тилла –  
барглари бирма-бир  
юлқир бу палла.

Парвойига келмай  
шамолнинг ўйи,  
ишига қунт билан  
банд бўлган кўйи,  
яшил япроқларга  
бериб олгин тус,  
боғда кезиб юрар  
алкимёгар куз.

## СОДИҚЛИК

Гўдак туғилдино дунёга келди,  
Уни қўлга олди ҳатто доя ҳам.  
Бирга-бирга кечди ота-онага  
Шодлик, завқ улашган тетапоя ҳам.  
Умр ўтаверди, вақт тўфонига  
Бардош бера олмас экан қоя ҳам –  
Бир куни дунёдан ўтганда одам...  
У билан қабрга кирди  
Соя ҳам.

\* \* \*

Кимлар менинг бағримни  
зарраларга бўлдилар?  
Танимдаги тарқоқлик  
охири мени ўлдирар.

Мен шу қора тупрокман,  
кўнгли яра тупрокман,

мен бир қарра гул эдим,  
минг бир қарра тупрокман.

Кафтдай кўнглим ерча кенг  
эзгуликни тусоди,  
кифтимда эса яшнаб  
хиёнатлар ўсади.

Чанглар менинг оҳимдир,  
кўксимни ситолмадим –  
зарра-зарра охларга  
айланиб кетолмадим.

Дил бандини тортар мунг,  
билмам, қайга етаклар.  
Юрагимни силқитсам,  
тўқилади эртақлар.

\* \* \*

Нега ҳавас қилмай собитлигингга,  
Ҳар баҳор қайтадан гуллай олмак – бахт...  
Ҳар нечук, заминда қадамларимдан  
Сенинг илдизларинг мустаҳкам, дарахт.

## ЯПРОҚЛАР САРҒАЯР...

Тушунма, шартмас, албатта, афеус,  
ўз вақти-соати бор-ку ҳар дамнинг...  
Фақат... нега бунча шошиб келар куз,  
нега бунча йўли узоқ кўкларнинг?

\* \* \*

Ё ака, ёки ука,  
ёки тенг-тўшми бўлдим –  
бир муддат уч азамат  
тераққа қўшни бўлдим.

Кўксиди ҳаво тўла,  
ади эди бўйларини,  
тун-қун бетин шивирда  
акс этарди ўйларини.

Сўздан қайтиш йўқ, деб онг  
ичган бўлса керак-да,  
бир хил шивир-шивирга  
содик эди терақлар.

Қушларнинг нағмасига  
назар ҳам солмас эди,

на-да шамол ахлдан  
қайтара олмас эди.

Ҳатто бағрини ўйса ҳам  
ёмғирнинг найзалари,  
асти йўлдан қайтмасди,  
борарди орзу сарни...

Баъзан турфа туйғулар  
эзар экан юракни,  
эсга оламан ногоҳ  
уч азамат терақни.

## УМР

Баҳор шошқинлиги ўхшайди селга,  
Ёз ўтар маҳтал бун бир тутам елга.  
Хорғин кўзларингга уринади куз...  
У энди сен билан қолишга келган.

\* \* \*

Мана, йилларки,  
ҳузуримга келиб-кечиб юрар,  
эски жароҳатларим даволар –  
менга унутмоқни ўргатади Вақт.

\* \* \*

Қани бўлса, қаноат – қанот,  
Орзуларни нафс кўмганида.  
Кўзи очлар кўзи очилар  
Бу дунёдан кўз юмганида.

## БАЛКИ...

Қирқма қирқ ўрим сочини,  
Кўй, қирқма қирқ ўримни.  
Пўрим бўлай демагин,  
Қиз соч билан кўримли.

Ўсма тортма қошингга,  
Кўлингга хино қўйма.  
Гўзал бўлай деб яна  
Ўзингга бино қўйма.

Шундай дейману, лекин...  
Балки, бу пардозмасдир?  
Ахир сен деб ақлдан  
Озганлар ҳам озмасдир.

Балки шудир мақсадинг –  
Ошиқ гамин егайсан,

## Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шунинг учун ҳам дунёнинг ҳамма худ-  
дуларига ҳамма замонларда тил кўр-  
ганини кўриқламоқ ҳар қандай миллат  
калбадига кутлуғ муддао бўлган. Атоқли  
маърифатпарвар Абдулла Авлоний шун-  
дай рост ва расо сўзларни айтган: “Ҳифзи  
лисон (тил муҳофазаси) деб ҳар бир мил-  
лат ўз она тили ва адабиётини сақламаги-  
ни айтилур. Ҳар бир миллатнинг дунёда  
борлигин кўрсатадурган ойнана ҳаёти тил  
ва адабиётдур. Миллий тилини йўқотмак  
миллатнинг руҳини йўқотмақдур”.

Ўзбек халқининг миллий руҳини сало-  
мат сақламоқдай улуғвор мақсадлар билан  
1989 йилнинг 21 октябрида хали қизил  
қуюшқон ҳукмронлиги асфалософилни-  
га кетмаган бир пайтда Ўзбекистоннинг  
“Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қи-  
линган эди. Бу қонуннинг қабул қилини-  
ши, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири  
билан айтганда, “Ўзбекистоннинг давлат  
мустиқиллиги сари қўйилган биринчи да-  
дил қадам эди”.

Давлатимиз раҳбари ўзбек тилига дав-  
лат тили мақоми берилганининг ўттиз  
йиллигига бағишланган тантанали маро-  
симдаги нутқида бу борада ҳозиргача ба-  
жарилган ишларни таҳлил қилиб, ўзбек  
тилининг макени тубдан оширишга қар-  
ратилган тadbирларнинг тарҳини чизиб  
бераркан, асосий мақсаднинг маъзу моҳи-  
ятини шундай ифодалади: “Мухтасар айт-  
ганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган  
эътиборни мустиқилликка бўлган эътибор  
деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни  
она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб били-  
шимиз, шундай қарашни ҳаётиимиз коид-  
сига айлантиришимиз лозим.”

Президентимиз шу куни “Ўзбек тили-  
нинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва  
макенини тубдан ошириш чора-тадбир-  
лари тўғрисида”ги, таъкидлаш жоизки,  
чинакам тарихий Фармонини имзолади.  
Фармоннинг тарихийлиги шундаки, унда  
мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат  
тили рутбасидаги ҳаётининг тақомилла-  
шга қаратилган тadbирларнинг ўтган ўттиз  
йил давомида амалиётда тўласича бўй  
кўрсатолмаган механизмларини фаол ва  
самарадор ҳаракатга келтириш йўллари,  
мўътабар тилимиз мақомининг жадал  
мунтазамлашувига олиб келиш ҳадислари  
кўрсатиб берилган.

Ана шу фармонга мувофиқ, 21 октябрь  
санасини “Ўзбек тили байрами куни” деб  
эълон қилиш тўғрисидаги тақлиф маъ-  
қуллади, ҳозирда бу бўйича қонун қабул  
қилинди. Вазирлар Маҳкамаси тузилма-  
си таркибиде Давлат тилини ривожлан-  
тириш департаменти ташкил этилди,  
унинг 8 банддан иборат асосий вазифа-  
лари белгилаб берилди, бу департамент  
ҳозирда қўламли ва самарали фаолият  
кўрсатмоқда. “Давлат тили ҳақида”ги Ўз-  
бекистон Республикасининг Қонунини  
бугунги кун талаблари нуктаи назаридан

тақомиллаштирилган ҳолда унинг янги  
таҳриридаги лойиҳасини ишлаб чиқиш  
топшириғи берилди, ҳозирги пайтда бун-  
дай лойиҳа ишлаб чиқилди. Айни пайт-  
да Атамалар комиссияси ташкил қилин-  
ди, 2020 – 2030 йилларда ўзбек тилини  
ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини та-  
қомиллаштириш концепцияси ва давлат  
дастури ишлаб чиқиш зарурияти кўрсатиб  
берилди. Деярли барча ташкилотларда  
раҳбарнинг маънавий-маърифий ва дав-  
лат тили масалалари бўйича маслаҳатчи-  
си лавозимлари жорий қилинди, бу маса-  
лалар билан шуғулланадиган кадрларни  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
марказлари ташкил қилинди. Давлат тили  
ни ўрганиш, ўргатиш ва жорийланиши-  
ни мунтазамлаштириш ишларининг янада  
яқшиланиши учун қўмак берадиган бир  
қатор китоблар нашр қилинмоқда. Хусу-  
сан, мазкур департаментнинг бюртмаси  
асосида Ўзбек тилини ривожлантириш  
жамғармаси маблағлари ҳисобидан сўнгги  
бир-икки ойнинг ичида бир қанча китоб-  
лар нашр қилинди.

тилини ривожлантириши юксак босқичга  
кўтариш йўллари кўрсатилган. Бунда дав-  
лат тили кўйидаги олти устувор йўналиш  
асосида ривожлантирилиши белгиланган,  
яъни: мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий  
ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили  
имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойда-  
ланишга эришиш; таълим ташкилотлари-  
да давлат тилини ўқитиш тизимини янада  
тақомиллаштириш, унинг илм-фан тили  
сифатидаги нуфузини ошириш; давлат ти-  
лининг софлигини сақлаш, уни бойитиб  
бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини  
ошириш; давлат тилининг замонавий ах-  
борот технологиялари ва коммуникация-  
ларига фаол интеграциялашувини таъминла-  
ш; давлат тилининг халқор микросдаги  
ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада  
хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривож-  
лантириш; мамлакатимизда истиқомат  
қиладиган барча миллат ва элатлар тилла-  
рини ривожлантириш мақсадида кенг ва  
тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат ти-  
лини ўрганиш учун қўлай шарт-шароит-  
лар яратилиш.

ичига олган. Дастурда жуда кўп долзарб  
масалаларни ҳал қилишга ва мунтазам-  
лаштиришга қаратилган тadbирлар кўзда  
тутилган. Масалан, давлат тилида иш  
юрйтиш ҳар қандай бошқарув тизимига  
фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг  
учун ҳам дастурда тегишли ташкилотлар  
томонидан йил охиригача “Ўзбек тили ва  
адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг  
миллий тест тизими асосида раҳбар кадр-  
ларнинг давлат тилида расмий иш юрита  
олиш даражасини аниқлаш механизмни  
ишлаб чиқиш ҳамда масъул лавозимларга  
тайинланадиган шахслар учун давлат  
тилини билиш бўйича даража сертифи-  
катларини жорий этиш” бўйича Вазирлар  
Маҳкамаси қарорининг лойиҳасини ишлаб  
чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш  
вазифаси қўйилган. Ёхуд тегишли таш-  
килотларга “лотин ёзувида асосланган ўз-  
бек алифбосини, имло қоидаларини янада  
тақомиллаштириш ва янги ёзувга тўлиқ  
ўтишни таъминлаш” кўрсатилган, “лотин  
ёзувида асосланган ўзбек алифбосини  
тақомиллаштириш ва янги ёзувга ўтиш-

Нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун дунёдаги шеърят ихлосмандлари, мана, дуня олти аср мавойида тан бериб келаятган бадий сўз даҳоси Алишер Навоийнинг ўзбек тилида ижод қилгани ҳар бир ўзбекистонликни гурурантиради.

# НАВОЙНИ АНГЛАШ БАХТИ

Алишер Навоийнинг ўзбек тилини бойитишга хизмат қилиб келаятган адабий мероси, қомусий асарлари бизга узок ўтмиш сир-асрорларини чуқур ўрганишда амалий қўмак бериб келмоқда.

Навоийнинг танимок ва жаҳонга танитмоқ мақсадида неча асрларки ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Аммо ҳазратнинг умри ва ижодининг қирраларини тўлиқ очиб бериш қўлимиздан келмаётгандек туюлаверади. Масалан, қани эди Навоий асарларини лугатни варақламай ўқиш даражасига ета олайдики!

Ўзбекистон Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Навоий ижодини янада чуқурроқ ўрганишга, шоирнинг асарларини омалаштиришга қаратилгани билан улкан аҳамиятга эга. Қолаверса, Навоий номиди фонд тузилиши ва орден ташкил қилиниши айна муддао. Чунки бобомизнинг меросини ўрганиш, китобларини чоп этиш, тadbирлар, кечалар ўтказиш қатта маблағ талаб қилади. Устоз номини бандан кўтаришга хизмат қилганлар, майли, у адибми, адабиётшуносми, чет элликми, Навоий номидаги орден билан тақдирланса, олтин узукка олмас кўз қўйгандек ярашади. Шоирнинг асарларини чел тилларга таржима қилишга ундайди, у ҳақида янги асарлар яратишга туртки бўлади.

Алишер Навоий қабри Ҳиротда эканлигини биламиз, аммо Афғонистон тупроғида нотинчлик давом этаётгани сабабли зиёратга бориш анча қийин эди. Президентимиз шу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган маърузасида Афғонистонда тинчликни сақлаш бўйича қиритган тақдирлари амалга оширилар экан, у ердаги муҳит барқарорлашади ва бобомиз қабрини зиёрат қилишга имкон туғилади, деб умид қиламиз. Ўзбек усталари томонидан таъмирланиб, обод қилинган шоир зиёратгоҳини айланиш насиб қилгай.

Қарорда кўрсатилганидек “Навоий ва ёшлар” махсус дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида шоирнинг ижодини узлуқсиз ўқитишни амалга ошириш орқали биз кўзлаган мақсадларга – ёшларимизни бадий китоблар ўқишга ўргатамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ренессанс пойдевори юртимизда аллақачон қўйилган. Навоийга таяниб, Учинчи Ренессансини яратиш бугунги авлод зиммасидадир.

Кенгесбой КАРИМОВ,  
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюммаси раиси,  
Қорақалпоғистон халқ шоири

# МЎЪТАБАР ТИЛИМИЗ МАҚОМИНИНГ МУНТАЗАМЛАШУВИ

Ана шу Фармон имзо-  
ланганидан буён ўтган бир  
йилда давлат тили бораси-  
да барчанинг кўнглини ну-  
рафшон қиладиган ишлар  
амалга оширилди.

Мазкур Фармонда 2020 – 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини тайёрлаш топшириғи берилган эди. Жорий йилнинг 20 октябрида давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди, бу фармон билан учта бениҳоя муҳим ҳужжат, яъни “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари” тасдиқланди. Концепция ўзбек тилини узок муддатли ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган ҳамда асосий муддаога олиб борадиган вазибаларнинг барчасини ўзида жамлаган. Унда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, мамлакат таракқиётининг янги даврида давлат



Бундан ташқилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш бўйича “Йўл харитаси”ни тузиш топширилган. Ёки умумий ўрта таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш тизимини тубдан тақомиллаштириш, она тили бўйича машғулот ва дарс соатларини кўпайтириш каби, хусусан, ўқитувчиларнинг кўнглидаги гаплар бениҳоя кўп.  
Кўрсатилган муддатларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳам алоҳида диққатга сазовор, бу кўрсаткичлар мунтазам ва тadbирчи равишда ошиб боради. Бемалол айтиш мумкинки, бу янги Фармон ҳам давлат тилимизнинг таракқиётги тарихида алоҳида босқич бўлади. Бу фармоннинг айнан Ўзбек тили байрами арафасида қабул қилинишида ҳам теран мазмун бор.  
Тилимиз онамиздай мўътабар ва муҳтарам, унинг мунтазам камолу иқболи учун масъулиятни ҳар сонияда ҳис қилиб туриш ҳар биримизнинг бўйнимиздаги бурҷидир. Президентимизнинг шавкатли она тилимизни ривожлантириш, тилимиз мақомининг чинакам мунтазамлашувини, бу мақомнинг мангу муқимлигини таъминлаш борасидаги том маънодаги тарихий ҳужжатлари барчамизнинг кўнглимизни чароғон қилмоқда, бундай шавқнинг ҳузур бениҳоя бардавом бўлиши табиий.

Низомиддин МАХМУДОВ,  
Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,  
филология фанлари доктори,  
профессор

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий мероси жаҳон фанининг, жумладан, рус шарқшунослик илмининг мунтазам тадқиқот объектига айланганига салкам икки аср тўлди. Шу ўринда диққатимизни таниқли шарқшунос-манбашунос, Марказий Осиё халқлари маданияти, қўлёзма ёдгорликлари билимдони Олег Акимужинининг (1929–2010) улуг шоир ижодига доир иккита мақоласига қаратамиз.



Рус олим республикамиз илмий жамоатчилигига яхши таниш, Ватанимизга қўп келган эди. Унинг “Навоий портрети” мақоласи 1968 йили “Правда Востока” газетасида чоп этилган. Мақолада машҳур мусаввир Махмуд Музаҳхоб томонидан ишланган шоир сурати хусусида сўз боради. Улуғ шоирнинг деярли барча замонавий портретлари асос бўлган ушбу суратнинг асли бугунги кунда Эрonda сақланади. Олим унинг илмий истифодага киритилиши, бу ҳақда фикр юритган олимлар хусусида тўхталиб, мусаввир Махмуд Музаҳхоб фаолиятини бирламчи манбаларга таянган ҳолда атрофлича ёритган. Мусаввир Султон Хусайн Бойқаро саройида хизмат қилган. Бирок бу ҳақда маълумотлар кам. Мусаввир қаламига мансуб миниатюраларнинг бизгача етиб келганлари эса XVI асрнинг биринчи ярмига (Алишер Навоий вафотидан сўнг) оид бўлиб, бу ҳолат айрим саволларни туғдиради.

Махмуд Музаҳхоб Хуросонда Темирийлар салтанати барҳам топиб, Сафавийлар Ҳирот тахтини эгаллаганидан сўнг Бухорода фаолият юритгани ҳамда у ишлаган миниатюралар айна шу ерда кўчирилган қўлёзмаларда учрашини О.Акимужининг бир қанча манбаларга таяниб исботлайди. Ушбу далиллардан келиб чиқиб, у Алишер Навоий портрети шоир ҳаётлик пайтида эмас, балки кейинроқ аввал чизилган суратдан фойдаланиб ёхуд мусаввир тасавури асосида (О.Акимужининг шоирни мусаввир ҳаётлик пайти кўрган деб ҳисоблайди) яратилган, деган фикрни билдиради. Қизиги шундаки, бу мулоҳазани миниатюра ҳақида ёзган бошқа олимлар ҳам ўз вақтида айтишган. Бирок бу борада бошқача қараш ҳам мавжуд.

Масалан, санъатшунос Абдумажид Мадранов “Алишер Навоий портретлари” мақоласида (“Шарқ миниатюра мактаблари”, 1989) Навоийнинг бошқа мусаввирлар томонидан чизилган

## ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ИЖОД

суратларини ўзаро қиёслаб ҳамда 1515 йили Махмуд Музаҳхоб томонидан ишланган бешта миниатюрага асослашиб, портрет шоир ҳаётлик пайтида ишланган дейди. А.Мадранов ҳақи равишда таъкидлаганидек: “Шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо уларда Алишер Навоийнинг ташки қўрилиши, қиёфасининг тўла ва мукамал баёни йўқ”.

Мусаввир ишлаган сурат эса улуг шоир характерини, унинг бутун сийратини, сувратини аниқ акс эттирган дея оламиз ва бу ҳақда А.Мадранов шундай ёзади: “Сермашкақат ижод қаддини бир оз буккан, лекин ҳали ҳам тетик, мағрур шоир энги узун жомда, бошида ок салла, оппоқ соқоли ўргача узунлиқда. Шоирнинг чеҳраси, айниқса, бир оз чимирилган қолларни жуда жонли ифодалаган, хиёли истеҳзоли кўзлари, нозик мижозидан далолат берувчи кимтинган лаблари – ҳаммаси Алишер Навоийнинг ўзига хос қиёфаси, кийими ва туриш ҳолатидан гувоҳлик беради”. Ушбу таърифни миниатюра хусусида мулоҳаза билдирган бошқа олимлар ҳам эътироф қиладилар (шу ўринда тарихий манбалардаги шоир характерига доир айрим чизилган эсланг). Шарқшунос О.Акимужининг эса суратда шоир кимнингдир сўзларини диққат билан тинглаётгани ва бу ҳолат унинг юз ифодасида акс этганини таъкидлаган.

О.Акимужининг иккинчи “Шоир, сийбатдон, меценат” номли мақоласи 1984 йили Москвада чоп қилинган “Фарход ва Ширин” дostonининг Лев

Пеньковский таржимасига ёзган сўзбоси. Сўзбошида манбашунос бу дoston шарқ “Фарходнома”лари орасида ўзига хос ўрин тутиши, бу кўна мавзунини Алишер Навоий давр муаммолари билан маълум даражада боғлай олгани ва асосий образлар талқини ҳақида диққатга молик фикрларини баён қилган.

Шарқшунос шоир таржиман холига тўхталар экан, отаси Гийсиддин кичкина 1458 йили Ҳирот тахтини вақтинча эгаллаб олган темирийзода Мирзо Иброҳим томонидан музокара учун Балх шахрига Абу Саид хузурига юборилганини айтиди. Бундан ташқари, шоирнинг отаси Темирийлар империясини маълум муддат бирлаштира олган Абу Саид хизматида бўлган. Эслатиб ўтамиз, ўз вақтида академик В.В.Бартольд (1869-1930) “Мир Алишер Навоий ва сийсий ҳаёт” номли бирламчи манбаларга асосланган рисоласида бу ҳақда ёзган эди. Бирок бу тарихий фактга навоийшуносликда негедир диққат қаратилмаган ҳақида Гийсиддин кичкинанинг эрта вафот этгани доимо тасвирланади. Масалан, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “шоир 14 ёшида отаси вафот этган” деган маълумот берилган.

О.Акимужин Навоий ижтимоий фаолиятини даврнинг сийсий-ижтимоий, маданий ҳаётдан айри ҳолда олиб қарамайди, аксинча, унинг доимо давлат аҳамиятига молик воқеа-ҳодисалар марказида бўлганига алоҳида эътибор беради. Масалан, унинг 1487 йили Астробод вилоятига ҳоким этиб тайинлангани навоийшуносликда

узок вақт сургун сифатида талқин қилиниб келинди. Ваҳоланки, Астробод вилояти Хусайн Бойқаро салтанатида муҳим стратегик ҳудуд бўлиб, у ерни доимо энг ишончли кишилар бошқарган. Манбашунос олим эса бу ҳудуд ипакчиликка ихтисослашган, хунар-мандчилик тараққий топган, қадим қарвон йўлларида ҳамда қўшини давлат билан чегарадош ерда жойлашгани ва энг муҳими, марказий ҳукумат хазинасига келиб тушадиган солиқларнинг қатъа қисми айнан Астрободдан келишини таъкидлайди. Шу ўринда айтиш жоизки, бу масала навоийшунос олим Шухрат Сирожиiddиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили” (2011) монографиясида бирламчи манбалар асосида атрофлича ўрганилган, ишонарли талқинлар илгари сурилган.

О.Акимужиннинг фикрича, Навоий Астрободдан кейин давлат ишларида иштирок этмаган, асосан, ижодий иш билан банд бўлган, 1489 йилдан умрининг охирига қадар тўққизта асарини ёзиб турагани бунинг далилидир. Ҳолбуки, бу мўътабар зот бир умр эл-улус дарди билан яшади, нафақат асарларида юксак гоғларни кўйлади, балки ўз маслаги-мақсади йўлида курашди ҳам.

Олимнинг Марказий Осиё тарихи, маданияти, қўлёзма ёдгорликларига оид тадқиқотлари илмий жиҳатдан пухталани, бирламчи манбаларга асослангани ҳамда салафлари ишларига танқидий қарай олгани билан ажралиб туради. Масалан, Мирзо Бойсункур (1397-1433) фаолиятига доир мақола-

сида бу темирийзодининг нафақат илм, санъат ва маданият ҳомийси, балки йирик сийсий арбоблиги бирламчи манбалар таҳлили орқали ишонарли очиб берилган. Ўз вақтида Мирзо Бойсункур давлат маъмурий бошқарувида бир қатор ўзгаришлар киритгани, яъни “девори аъло”ни ташкил қилгани ва бу Хусайн Бойқаро даврига қадар амалда бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари, олим темирийларнинг учинчи бўғинига мансуб Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон ва Мирзо Бойсункур ўртасида мунтазам равишда мактублар алмашилганини айтиди.

Бугун республикамизда қўлёзма ёдгорликларни ўрганишга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу маданий меросимизни янада чуқурроқ тадқиқ этишга ҳамда унинг замонавий аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳар жиҳатдан қўмақлашади. Ўйлашимизча, О.Акимужиннинг мавзуга алоқадор мақолаларини ўзбек тилига таржима этиб, чоп қилиш ёш манбашунослар учун ўзига хос маҳорат дарслари вази фасини ўтатиши мумкин. Алишер Навоий таржимаи холига оид фикр-мулоҳазалари эса узок йиллардан бери орзикиб қутилаётган “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлиги ёки “Алишер Навоий энциклопедия”сидан жой олиши лозим, деб ўйлаймиз.

**Абдураул ЭШОНБОБОВ,**  
**Алишер Навоий номидagi**  
**давлат адабиёт музейи**  
**илмий ходими**

Наздимда, севги тўғрисидаги шеърлар ҳеч қачон эскирмайдигандек. Чунки унданда шаффоф ғўйғу руҳиятда йўқ. Севгининг мавжудлиги – бахт. Акси воқеликка қўча, олам зерикари тус олади.

Хоразмлик шоир Нишотийнинг куйидаги нафис мисраларига қуни кеча кўзим тушди:

**Гар Нишотий хажридин ўлди,**

**вале юз жон топар,**

**Бўсае инъом қилгач лаъли рафзосидин.**

“Нишот” – “шодлик” дегани экан. Руҳлантурувчини “руҳосор” дер эканлар. “Руҳафзо” ундан ҳам баян бўлса керак. Хуллас, устозларнинг китобларини шавқ ила такрор ўқияман.

Дарвоқе, Комил Хоразмийнинг мухаммасидан яна таъсирландим. Бир шингил:

**Айшу нашот истабон ғамга**

**дучор ўлмагон,**

**Мехринга дил бастан**

**зору низор ўлмагон,**

**Лаъли лабинг шаҳидга борму**

**хумор ўлмагон,**

**Даҳр аро ўқидур санга ошиқи**

**зор ўлмагон,**

**Сўйла манго эй санам, кимни**

**севар ёрисан?**

Аввал шунчаки ўқиб ўтаверган эканман. Фикр қилиб кўрсам ажиб маъно чиқар экан: “Айш, шодлик истаб ғамга дучор бўладилар; мехринга дилин ҳамоҳанг қилиб қайғудан зору озгин бўладилар; лаъли лабинг ширинлигига хумор бўладилар...”

Шунда ҳазрат Навоий фарази эсимга тушди: “Ёр холимини сўраб оғиз очмай тургани арз-додимга қизиқмаганидан, менга қайғурмаганидан эмас, балки ниҳоятда асаллигидан икки лаб бир-бирига ёпишиб қолганидандир. Ширинлик шу қадарки, оғзини йўқ қилиб ташлаган”.

Александр Пушкиндан ўқидим:

**Ты в сновиденьях мне являлся,**

**Незримый, ты мне был уж мил,**

**Твой чудный взгляд меня томил,**

**В душе твой голос раздавался.**

Таржимаси ҳам нафис чиққан, аммо қофия тизими бузилган:

**Тушимда қўриниш берди хаёлинг,**

**Илгаб бўлмас-да гўзалдинг айни.**

**Фуусункор нигоҳинг сехр этди мени,**

**Рухида жаранглаб кетди овозинг.**

Шуни бундай қилса бўлмасмикан:

**Тушимда қўриниш берди дил розинг,**

**Илгаб бўлмас-да гўзалсан, ахир.**

**Фуусункор нигоҳинг қилдио сехр,**

**Рухида жаранглаб кетди овозинг.**

Мен хозирги давр рус шеърини жараёндан беҳабарман. Пушкин, Лермонтов, Блок, Есенин, Ахматова, Цветаева, кисман Маяковский, Пастернак, Вознесенский, Евтушенко, Бродский шеърини мени қизиқтириб келган. Уларнинг назмидаги эҳтирос, мустика, образлар характери, эркин нафас нега миллий шеърятимизда йўқ, деб қўп ўйланганман.

Рауф Парфиди шундай рух бор эди. Устоз Матназар Абдулҳакимнинг севги тўғрисидаги туркумларида чин кўнгил жилоларига дуч келдим. Аммо, барибир, не учундир бизда ҳали-ҳамон публицистик шеърятга, очикроғи,

мақоласимон, мақолсимон шеърятга майл, иштиёқ кучли.

Қарийб саккиз йилдан бери шеър ёзмай юрган эдим. Қайта тайёрлаган туркумидан телефон орқали бир бўлак ўкиб берганимда “ажойиб” деганингиз мени тузуккина руҳлантирди. Руҳиятимнинг туб-тубларида шеър би-тиш истаги жўш урди. Олтмиш ёш арафасида ўзимни қандайдир галати ҳис қилдим. Сув маъбудаси тўғрисида бир туркум ёзмоқчиман. Биз тупроққа қирамиз, лекин сув руҳимизга тегишлидир. “Авесто”да зикр этилишича, сув юлдузларда ясалар экан. Режалаштириб қўйган туркумимда икки нарасга ургу бермоқчиман. Биринчиси: хар қанака шароитда ҳам хаёлни тиник қилиш; ноҳус ҳодисаларни ўйламаслик; қора хаёлга қора хаёл билан жавоб қайтармаслик; дунёдан узилиш ва бу аллозни ҳеч қимга билдирмаслик. Иккинчиси: қоп-қора воқеликлар тасвири; изохсиз, муносабат билдирилмаган тасвири. Шу икки кутбни ёнма-ён қўйиб ифодалаш ниятиданман. Эҳтимол, бу менинг сўнгги туркумим бўлар? Ўз иззатингни, ўз ўрнингни билиб вақтида тугатиш ҳам эзгуликдан ниҳона. Шоир тугаб

Колумбияликларнинг менталитети, фаранзима, исломдан аввалги оташпарастларнинг менталитетларига қинрок экан. Шунинг учун ҳам юрак Колумбияга тортиб турибди. Дарвоқе, Колумбияда йилда икки мартаба “Прометео” деган журнал нашр этилар экан. Бош-аёғ шеърятга бағишланадиган журнал. Ташкилотчиси – Фернандо Рендон. “Телба” деган шеърим шу нашрда чиққан. Сизнинг серметафора биткиларингиз “Прометео”чиларга маъқул тушади, деб ўйлайман.

Шеърларингизни англамак учун, аввало, ўқувчи образ не эканлигини билмоғи жоиз. Афсуски, адабиётшунослигимизда насрдаги образлар тахлилга тортиладуно назмдаги образ тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Лирик қахрамон, деймиш, бироқ лирик образ демаймиш. Образнинг ўзи қандай ясалади, унинг ранг-рўйи борми, феъли борми? Айнан шундай нукталарда метафора, яъни сўзинг қўчма маъносини, характернинг қўчмалиги тахлилга тортилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Сиз яратган образ – Нафасранг қоя нега шеър охирида келгани изохланса, ўқувчи матн тузилмасига қизиқиб қолади.

## КЎЗГА ЧАЛИНМАГАН АЙСБЕРГ

### Шоира Гўзал Бегимга мактуб

бораётганини бегона кўзларга кўрсатмаслиги керак, деб ўйлайман. Аксинча бўлса, маломат ўқларига дучор бўласан киши. Миссиямиз ҳақида ўйлашимиз жоиз – бошқа нарсалар майда-чуйда.

Ўйласам, йиғирма биринчи аср символистлар, модернистлар ҳамда постмодернистларники, бошқа бировларники эмас. Чунки реалистлар чарчади, кучсизланди. Кунимиз реалистлари Маъно қонидан ҳеч вако олиб билмаптилар. Шеър мўлжал қиладиган Мия чарчади, энди навбат Мия остидаги қаватларга.

Хосият Рустамованинг Вьетнамда китоби чиқди. Туркияда, Озарбайжонда яна китоблари чиқаётган экан. Унинг биткиларида символизм ҳидлари бор. Ҳалима Аҳмедова, Фароғат Камолова ҳам ҳаракат қилса бўларди. Яна кимдир ҳали “куйини” ўзгартирмабди. Қанақасига ўйлаб кўрмай ўзбек шеърятининг эртанги қуни бизга боғлиқдек туюлаверди.

Пандемиядан сўнг узок вақт мобайнида дунё кишилари руҳий тушқунликдан чиқиш йўллари ахтариб юрадилар, деб ўйлайман. Бу хусусият кино, мустика, қўшқичлик санъатларини тобора юксалтиришни, дунё халқлари маданиятлари ўзаро яқинлашувини тақозо қилади.

Бизлар шеър ёзиб, шеър ўкиб овунамиз. Шеърларимизни бошқа забонларга ўғиртира билсак, шўям шодлик бағишлайди. Шуларни фикр чиғирғидан ўтказиб, тўртта шеъримни ва АКШлик турколог олимпиа Рейчел Харелнинг фикрларини испан тилига ўғиртирдим. “Яхши бўлди” сарлавахали шеърим испанчада дурустгина жаранглади.

Умуман олганда, эндиликда ўзбек шеърятига шеършунослар зарурлиги ойдинлашмоқда. Йўл-йўлақай наср билан ҳам машғул бўлиб, кўзларининг нурларини бутунлигича шеърга қаратадиганлар сув ва ҳаводек зарур. “...Ҳоҳида шеър ёзадиган одам битта сўз ёрдамда бошқа ҳеч қим боролмайдиган, ҳатто ўзининг хаёлига келмаган жойларни забт этади. Одам шеърни шунинг учун ҳам ёзадики, шеър тўқиб оннинг, мушоҳаданинг, дунёни тушунишнинг азим тезлатгичидир” деб айтиди Иосиф Бродский. Бинобарин, шеърдан шоирнинг ўзи ўйламаган маънолар чиқиши ҳам мумкин. Масалан, расом картинани чизиб яқунлагач, ички энергияси билан ҳисоб-китоб қилади. Буёғини эса томошабинларнинг энергияси ҳал қилишга қиршади. Картинадан ҳар битта кўз бошқа нарсани кўриши, шундан завқланиши, ҳаяжонланиши мумкин нарсаси. Худди шу каби, дейлик, Сизнинг шеърларингизни ҳар ўқувчи турлича ўқиши, турлича тушуниши ҳам мумкин. Айниқса, шеършунос ўзича кашфиётлар қилишга ҳақлидир. Масалан, мен “Нафасранг қоя” образларидаги Нафас ҳамда

сукунатни эслатади. Ҳар ҳолда, туркумдаги ҳар битта шеърнинг узвий боғлиқлигини тушуна бошладим.

Кейинги даврларда, ўқувчилар шеърятдан беъза бошладилар, қабилидаги гапларни кўп эшитмоқдамиз. Буям тўғри. Негаки, ўқувчиларнинг онг даражаси, шуурий фаолияти тобора ошиб бормоқда. Улар жўн назмдан зерикмоқдалар. Биз етмишчи йилларнинг охирида Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларидан қанчалик хайратланганимни ҳамон эслайман. Масалан, Воҳидовнинг синдирилган ғазалларини, “Руҳлар исёни” дostonини ўқиб, ҳафталаб ўзимга кела олмай юрганман. Абдулла Ориповнинг “Юзма-юз”ини титраб ўқиганман. Булар шундоқ ёзмоқдалар, буларнинг ёнида шоирлик орзу қилиш мумкинми ўзи, дея изтиробларга тушганман. Айнан ўша даврларда Рауф Парфининг “Қайтиш”и қўлимга тушди. “Қайтиш”ни мутолаа қилар эканман мен ўзимдан узоқларга чиқиб кетдим; хаёлан фалақларга сайр айладим. Йиллар ўтиши баробарида Парфидан унчалик хайратланмай қўйдим. Аммо ҳамма нарса хайрат билан ўлчанадими? Хайрат давомли бўлиши ёки ҳеч қачон туганмаслиги мумкинми ўзи? Демакки, мен яна Воҳидов, Парфи, Орипов “нафасларини” соғинишга ҳақлиман.

Ўйлаб-ўйлаб шу хулосага келдимки, бундан буёғига шеършунослик билан ўзим жиддийроқ шуғулланишим керак. Чунки бундан буёғига шеър битиши амримаҳол. Муддатни сал-пал чўзишга, муҳлисларни умидвор қилишга қучим етади. Лекин барибир шоирлик манзилга етиб келганимни тан олишим даркор. Шеър ёзиш амали яхлитлигича одамнинг ўзига боғлиқ эмас экан. Шу хулосага келдим ва бошқа йўлим қолмади. Не бўлганда ҳам шеърят ичиде ўткан кунларимдан мамнунман.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД,**  
**шоир**

### ЯНГИ НАШР

#### «ОҒАБИЙ»

Қорақалпоқ халқи қахрамонлари Эдегий, Ойдуґстбий, Маманбий, Эрнзарбий ҳақидаги асарлар ўзбек ўқувчиларига таниш. Бирок шу пайтгача Оролбўйида яшашган матонатли халқнинг яна бир жасур фарзанди Оғабий ҳақида бадий асар битилмаган эди.

Мана, ниҳоят Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Қаримовнинг “Оғабий” номли романининг биринчи китоби нашр этилди.

Асарда XIX аср қорақалпоқ халқи ҳаёти тасвирланган. Бош қахрамон – Эрежеб Қулчибий ўғли Оғабий тарихий шахс бўлиб, ўз халқининг эркин ва озод ҳаёти учун фидойиларча саъй-ҳаракат қилган,

қизгин фаолият олиб борган. Унинг номи қорақалпоқ халқи хотирасида баҳодир ва донишманд йўлбошчи сифатида муҳрланган. Мутолаа давомида ўқувчилар қорақалпоқ халқининг тарихи, миллий урф-одатлари, беповён қўлларнинг сўлим ва бешафқат табияти, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳақидаги қизиқарли маълумотларни билиб олади.

Романи қорақалпоқ тилидан Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон таржима қилган. Муҳаррир Санжар Турсунов. Китоб 2000 нусхада нашр этилган.



*Бу йил Маҳмуд Кошғарий таваллудига минг йил тўлди. У биргина асари билан ўзига, ўзбек тилига мухташам ҳайкал қўйиб кетди. Буюк мутафаккир адибнинг “Девону луғоти-т-турк” асари туркий халқлар фани, маданияти тарихидаги бизга маълум бўлган илк йирик ёзма ёдгорлиқдир. У энг қадимги даврларга оид тилимиз ва адабиётимиз намуналарини жамлаган илк йирик асар сифатида ҳам эътирофларга сазовор. Ўз замонида асар арабларча, қалаверса, араб тили орқали Шарқу Фарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб сифатида яратилган. Шунинг учун ҳам замонлар ўтган сари унинг илмий-маърифий аҳамияти тобора ортиб бормоқда.*

Маҳмуд Кошғарий туркий адабиётининг ўзига хос антологияси – таъкирасини ҳам яратган. Унга халқ мақоллари, мустақил байт ва тўртликлар, шунингдек, анча катта ҳажмли бадий асарлардан, хусусан, халқ достонларидан олинган парчалар ҳам киритилган. Адабий парчаларнинг мавзулари ранг-баранг. Уларда одам ва оламга оид барча қирралар камраб олинган.

“Девон”га кирган адабий парчаларнинг асосий қисмини тўртликлар ташкил қилади. Ўзбек адабиётида тўртлик шаклига таянадиган бир қатор шеърин жанрлар ривожлангани маълум. Булар орасида тўртлик, рубоий, мураббаъ, айникса, машхурдир. Маҳмуд Кошғарий уларни асосан “қўшуг” ёки “шеър” деб номлаган.

Уларнинг мавзулари ниҳоятда хилма-хил. Ватан ва юрт муҳаббати, халқ учун жанг қилган баҳодирлар билан фахрларини, табиат манзаралари, гўзаллиги, меҳнат шавқи, турли инсоний кечинмалар талқини асардаги етакчи мавзулардир.

Уларнинг бир қисми бевосита тарихий мавзуларга бағишланган. Алп Эр Тўнга марсиеси, “Олтин қон” ривояти, Ябоғу(ёбғу)лар, тангутлар билан бўлган жанглар ҳақидаги парчалар, шунингдек, айрим шахс ва жойлар билан боғлиқ афсоналар шулар жумласидан.

Бу ёдгорлик орқали XI асргача бўлган адабиётдаги бир қатор жанрлар ва бадий тасвирнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Ишқ-муҳаббат мавзусига оид энг гўзал парчалардан бири қуйида келтирилган. Унда севикли ёр гўзаллиги тараннум этилади. Дастлаб унинг ташки кўриниши, сўнг икки олами тавсифланади:

**Булар мени улас қўз,  
Қара менгиз қизил юз.  
Андин тамар тукал туз,  
Булар яна ол қачар.**

Бу маст кўзли (севиклим) порлоқ юзидаги ёқимли қора холи билан мени асир қилади. Худди (гўзал) ёноқларидан ширинлик томаётгандай мени асир қилади-да, сўнг мендан қочади.

Ўзига мафтун қилган гўзалнинг ҳамма узвлари бир-биридан чиройли. У – хумор кўзли. Қизил юзидаги қора холи эса янада гўзал ва ярашқили. Нашрларда нима учундир учинчи мисра мазмуни “ёноқларидан ширинлик томаётгандек” деб берилди. Назаримизда, бу ерда гап гўзалнинг ширин сўзлари устидан бормоқда. Агар у сўзламаганида “булаб”, яъни ўзига мафтун қилиб (асир қилиб) олманган бўлар эди. Бу ўринда гўзалнинг “қочиши” “қочиб кетмоқ”, “беркинмоқ”, “яшинмоқ”, “ўзини панага олмоқ” маъноларини ҳам аниглайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу лавҳа ёшлиқнинг гўзал манзараларини акс эттиради.

Маҳмуд Кошғарий асарининг кириш қисмида бизнинг замонамизгача сақланмаган бошқа бир асари — “Жаваҳиру-н-наҳви фи луғат ит-турки” тўғрисида ҳам сўз юртади. Бу ўринда муаллиф “луғат” сўзини “тиللар” маъносига қўллаган. Китобнинг ўзбекча номи: “Турк тилларининг наҳви оид гавҳарлар” бўлади. Ҳозирча бу китобнинг топилиши бахтли тасодифи кутиб турибди.

Маҳмуд Кошғарий асарига ўша даврга оид дунё харитасини ҳам илова қилган. Ернинг маркази сифатида туркий халқлар яшайдиган юртлар кўрсатилган.

“Девону луғоти-т-турк” асарининг биттагина қўлёзмаси маълум. У ҳам қадимий эмас, балки нисбатан кейинги даврга тегишли. Уни Мухаммад бин Абу Бакр Дамашкий отли қотиб Шомда хижрий 664 йил, шаввол ойининг йигирма еттинчи кун (милодий 1266 йил 1 август), ўзи (яъни қотиб)нинг ёзишига қараганда, Маҳмуд Кошғарий ўз қўли билан ёзган қўлёзмадан кўчириб тугаллаган. Ушбу нодир қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасида сақланмоқда.

“Девон”нинг оммалашши туркиялик олим Рифат Килисли номи билан боғлиқ. У асарнинг асл матнини (1915 — 1917) чоп этган. Басим Аталай унинг матнини нашр этиб, илк марта замонавий усмонли турк тилига ўтирган. Шундан кейин уни кенг ўрганиш бошланган. К.Броккелман немис, Р.Данкоф инглиз тилларига, З.М.Аузова, шунингдек, А.Рустамов ва бошқалар рус тилига, А.Б.Эржиласун ва З.Акқўюнюл замонавий турк, Рамиз Аскар озарбойжон тилларига таъдил қилишган. Асарнинг форс, хитой, уйғур тилларига таржималари ҳам амалга оширилган.

Бу машхур китобнинг бир дона қўлёзма нусхаси раҳматли Али Амирий қўлида бўлган ва Килисли Рифат назорати остида Туркия Маориф вақилиги томонидан чоп этилган. Асар араб тилида ёзилган. Ўзбек тилига таржимаси машхур олим Солиҳ Муталлибов томонидан амалга оширилган. 1960 — 1963 йилларда нашр этилган уч жилдан таркиб топанг ушбу асар туркийшунослик илмида катта кадрга эга бўлиб келди. Унинг илмий қиммати халигача пасайган эмас.

Рифат Килисли ҳамда Солиҳ Муталлибов

нашри асосида Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам “Девону луғоти-т-турк”нинг индекс-луғати чоп этилган. Бу иш Туркияда Басим Аталай, Ўзбекистонда Ф.Абдурахмонов ва С.Муталлибовнинг иштироки ва тахрири остида нашр этилган эди. Маҳмуд Кошғарий Болосоғун шахрида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Маҳмуд ибн Хусайн ибн Мухаммаддир.

Ҳозирги Қирғизистонда Барскон дарёси ва Барскон довои бор. Улар Иссиқкўл атрофида жойлашган. Худди шу ерда Барскон шаҳри бўлган. Маҳмуднинг отаси ва бобоси ана шу шаҳардан эди. Отаси Қашқарга кўчиб келган ва Маҳмуд шу ерда туғилган. Шунинг учун ҳам Кошғарий нисбасини олган. “Барсган — Афросиёб ўғлининг номи. Барсган шаҳрини бино қилган шудир. Маҳмуднинг отаси шу шаҳардан”, – деб ёзади “Девон” муаллифи.

Маҳмуднинг илк устозларидан бири кашкарлик Хусайн халифадир. Сўнг у Бухоро,

**Бокижон ТҲХЛИЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор**

## ЎЗБЕК ТИЛИГА



Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдоддаги мактаб ва мадрасаларда ўз илмини оширган.

Маҳмуд Кошғарий умри давомида қилган машаққатли меҳнати эвазига қомусий олим ва толмас сайёҳ бўлиб танилди. У туркий тил грамматикасини ишлаб чиққан биринчи тилшунос олимдир. Туркча-арабча луғатнинг биринчи намунаси ҳам унинг номи билан боғлиқ. “Девону луғоти-т-турк” Маҳмуд Кошғарий қолдирган ва туркий халқлар учун бебаҳо бўлган қомусий асардир.

Бу асарда олим туркий тилдаги сўзлар маъносини араб тилида изоҳлаб беради. Мисол сифатида эса мақоллар, афсона, ривоят ва бадий адабиётдан парчалар келтиради.

Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ёзади: “Мен бу китобни махсус алифбе тартибда хикматли сўзлар, сажлар, мақоллар, ражаз ва наسر деб аталган адабий парчалар билан безади... Бу ишда мисол тарикасида туркларнинг тилида қўланиб келган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган хикматли сўзлардан, мақоллардан келтирдим”.

Улар орасида Алп Эр Тўнга (Афросиёб), унинг қизи Қаз билан боғлиқ афсоналар ҳам машхур.

“Қаз – Афросиёб қизининг номи. Қазвин шаҳрини шу қургандир. Бу сўзнинг асли “қаз ўйни” – фоз ўйнайдиган жой демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвини турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки Қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарларини чегараси Марваш – Шоҳижондан бошланганини сўзлайдилар. Чунки Қазнинг отаси Тўнга Алп Эр Афросиёбдир. У Тахмурасдан уч юз йил кейин Марвин бино қилгандир.

Баъзилар бутун Мовароуннаҳрни турклар ўлкаларидан ҳисоблаганлар. У Янқандан бошланади. Унинг бир оти Дизрўйиндир. У сариклигига қўра Мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи – Қазнинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Мажусий – оташпарастлар хар йили бир кун келиб Сиёвуш бўлган жой атрофида йнғайдилар. Моллар қўйиб қурбонлик қилдилар. Сўйилган мол сунини унинг мазори тепасига тўқадилар. Уларнинг одатлари шундай. Бутун Мовароуннаҳр, Янқандан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, Самарқанд, Семизқанд, Ташқанд, Шаш, Ўзқанд, Тунқанд номларининг ҳаммаси туркчадир, “қанд” – туркча шаҳар демакдир. Улар бу шаҳарларни қурдилар ва шундай ном бердилар. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда”.

Шундай қилиб, бу китобда Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларнинг XI асргача бўлган тарихи, урф-одатлари, бадий ижоди тўғрисида жуда қимматли маълумотлар жамланган. Булар ҳозирги авлодлар учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

“Девону луғоти-т-турк” асари 1072 йилда ёзила бошлаган. Аммо унга кирган материаллар 10-15, эҳтимол 15-20 йилларда тўплангандир. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, кирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен буни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги энг кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфахрларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорлардан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва кирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди”.

Китоб “улуғ пайгамбар мартабасидаги хошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган саййидимиз ва улугимиз Абулқосим Абдуллоҳ бини Мухаммадил Муктадо биамриллоҳга армуғон” этилган.

Маҳмуд Кошғарий ўз даврида туркий халқлар яшайдиган барча ҳудудларда бўлган ва уларнинг ҳаёт тарзи, хусусан, тили ва адабиётдаги ўзига хосликларни жиддий ўрганган. Китоби учун факт ва материалларни тўплашда туркий тилларнинг умумий ва ўзига хосликларига, сўзларнинг шакли ва маъносига, ҳатто энг кичик товуш айирмаларига ҳам эътибор берган. Ҳозирги тилимиз билан айти-

вону луғоти-т-турк” асари нечоғли муҳим ва зарур манба эканини чуқур хис қилдим. Ушбу китобни ўзбек китобхони учун деярли бир умрлик меҳнати самараси сифатида ҳозирлаган Солиҳ Муталлибов домланинг заҳматларини кўз олдими келтиришга ҳаракат қилдим. Бу бежиз эмас, ахир, мазкур китоб саҳифаларига қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келарди. Улар билан боғлиқ ҳолда қўлаб савол ва мулоҳазалар ҳам ана ўша пайтдан бошлаб пайдо бўла бошлади.

Китобда қўлаб жой номлари ҳам қайд этилган. Айрим ҳолларда уларнинг жуда аниқ ва батафсил тавсифлари ёзиб қолдирилган. Шунингдек, аргу, басмил, ироқ, қанжақ, тангут, татар, турк, туркман, тухси, уйғур, чигил, ябоқу, яғмо, ўғуз, қай, кирғиз каби қўлаб қабилалар, уларнинг урф-одатлари, тили, фольклори ҳақида ҳам ажойиб маълумотлар кўрсатилган.

Сўнгги йилларда бу асарни ўрганишга жаҳон ҳамжамиятида янада катта қизиқиш севол бўлди. Дастлаб Алибек Рустамов китобнинг рус тилидаги нашрини амалга оширди. Китоб Москвада дунё юзини кўрди. Ўғтироф этиш керак, бу чинакам илмий жасорат бўлди. Ушбу тадқиқот нашрга тайёрланаётган пайтда академик А.Н.Кононов матннинг араб тилидан қилинган таржимаси аслият билан нечоғли адекват(уйғун)лигини ўрганиш заруратини қайд этар экан, ушбу муаммони хал қилиш вазифасини икки йирик олим: таникли шарқшунос И.В.Кормушин ва Е.А.Поцелуевскийга топширади. Улар “А.Р.Рустамовнинг таржималари Р.Данков ва Дж.Келлиларнинг (инглиз тилига – Б.Т.) таржимасидан паст эмас, ҳатто мувофиқ равишда Басим Аталай ҳамда Солиҳ Муталлибов таржимасига, шунингдек, уларга таънайдиган қадимги туркий тил (“Древнетюркский словарь”)га қараганда аниқроқ” бўлганини қайд этишади.

2016 йилда академик Алибек Рустамов, у кишининг ёнида профессор Ҳамидулла Болтабоев (2016), қадимги обидаримизнинг забардаст тадқиқотчиларидан бири Қосимжон Содиков яна бир нашрни (2017) амалга оширишди. Тўғри, бу нашрларнинг иккиси ҳам тўлалигича Солиҳ Муталлибов домла тайёрлаган нашрга таъянган. Шунга қарамай, китоб қайта чоп этиб қўя қолинган эмас. Матн устидан анча узок ва жиддий ишлар олиб борилган. Қўлаб тузатишлар, тўзатишлар, изоҳ ва шарҳлар юзага келган. Уларнинг умумий миқдори мингдан ортик. Ана шундай оғир ва заҳматли меҳнат натижасида Солиҳ Муталлибов нашрининг тақомиллашган вариантлари юзага келган.

## ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

ладиган бўлса, шевашунос ва фольклоршунос олим сифатида иш тутган.

Олим араб адабиётини жуда пухта билган. Эҳтимолки, уларнинг айрим намуналарини ёддан ҳам билгандир. У “улуш” ва “улуқ” сўзлари изоҳида Мажнун номли машхур араб шоирининг номини келтириш билан қифолашмай, унинг шеъри мисолида араб тилидаги товуш алмашши ҳодисасини изоҳлаб ҳам ўтади.

У соҳанинг етуқ ва йирик мутахассиси, махсус филологик тайёргарликка эга бўлган. Энди айрим кўчирмаларга эътибор беринг:

“Китоб “Девону луғоти-т-турк” (“Туркий тиллар луғати”) деб аталди”.

“Китоб 464 йилда (ҳижрий) жумудул-аввал бошларида бошланди ва тўрт қарра ёзилгандан (қўчирилгандан) ва тузатилгандан сўнг 466 йил жумудул-охирнинг 12 кун (мелодий 1072 йил) битирилди”.

Маҳмуд Кошғарий турк тилининг нозик билимдони ва толмас тарғиботчисидир. У “араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб, ўзиб бораётган турк тилини” кўкларга кўради, унинг ўзига хос хусусиятларини маҳорат билан кўрсатиб беради.

“Девон” саҳифаларини варақлаш кўз олдимида Маҳмуд Кошғарийни географ, ботаник, зоолог, фольклоршунос, тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим сифатида намоен қилади. Шунинг учун ҳам уни қомусий олим деб атаймиз.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асари туркийшунослик тарихидаги энг муҳташам ва нодир манба. Асар туркий халқларнинг тарихи, маданияти, фани ва адабий-эстетик қарашларининг ўзига хос бебаҳо обидасидир. Унда қўлаб фанлар учун асқотадиган нодир факт ва материаллар жамланган. Жумладан, минералогия, кимё, ботаника, география, биология, зоология, тарих, адабиёт, санъат, этнографияга доир тушунча ва атамалар тизимини эсга олиш мумкин.

“Девону луғоти-т-турк”нинг ўзбек олимлари томонидан илк нашри амалга олинган пайт(1960 — 1963)да биз эндигина биринчи синфга қатнай бошлаган эканмиз. Табиийки, ўша нашр билан биз анча кейин, талабалик пайтимизда танишдик. Бу ўтган асрнинг етмишинчи йилларига тўғри келади. Ушбу китобга бўлган қизиқишимизни ўша пайтда Ҳамиджон Мамадов, Эрали Шералев, Ахмаджон Қаримов, Ваҳоб Раҳмонов каби устозларимиз уйғотган эди.

Кейинроқ йирик навоийшунос ва қадимшунос олим Ёқубжон Исҳоқов тавсияси билан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари поэтикаси муаммоси устида шуғуллана бошладим. Шунда Маҳмуд Кошғарийнинг “Де-



“Девону луғоти-т-турк” қадимият билан алоқадор бўлган қўлаб тушунча ва сўзларнинг қомусий луғати. Унда туркий сўзлар араб усуллари билан изоҳлаб берилган. Муаллиф бунда туркий тилни энди ўрганувчиларни кўзда тутган. Қўлаб изоҳларни туркий халқларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, анъаналарини, уларнинг олам ва одамга бўлган қарашларини акс эттирадиган бадий парчалар билан безаган.

Натижада бу китоб қомусий камровга эга бўлган.

Маҳмуд Кошғарий том маъноси билан йирик адабиётшунос ҳам бўлган. Бу нарса луғат мақолаларининг тузилишидан уларнинг таркибинини шакллантиришгача, мисол ва материалларни тўплашдан улардан фойдаланишгача бўлган жараёнда ўз аксини топган. Бу ўринда адабиётшуносликка оид айрим атамалар тизимини келтириш билан қифолянаимиз:

*Ир /йир* – ғазал, қуй, мақом... Кўпинча бу сўз шеърга нисбатан қўлланади.

*Қўшмақ* – шеър ёзмок.

*Табуғу /табуғу* — топшмок.

*Сав* – 1) мақол; 2) қисса; 3) хикоя; 4) рисола.

*Кўе* – шеърнинг вазин, ўлчови. Бу йир не кўг уза-ул? – Бу шеър қайси вазнда?

*Кўе* – қуй, мақом, ашулада махсус коидага мувофиқ овозни баланд-паст қилиш.

*Қўшуг* – шеър, қасида, қўшиқ ва б... Уларнинг асосий қисмига турли бадий парчалар илова қилинган. Жумладан, ҳозирги сўз учун қуйидаги шеър тавсия этилади:

**Туркан қатин қутинга  
Тегур мендин қўшуг.  
Айғил: сенинг табуғчи  
Ўтуғр йанги табуғ.**  
(Малика шоҳ хотинга мендан мақтов, қасида (қўшиқ) етқур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланади, деб айт).

Ҳозирги адабий тилимизда ёмғир, қор ва юқори хароратдан сақланиш учун қўлланадиган анжомлардан бирининг номи “ёмғирпўш” ёки “зонтик” тарзида қўлланиши урф бўлган. Маҳмуд Кошғарий унинг бир неча турларини қайд этади: “Кейук – наमत ва кигиздан қилинадиган ёмғир ёпинчиги”; Ялғач – ёмғир, қордан сақланиш учун чўпонлар ёпинадиган ёпинчик”; “яку // яғку– ёмғирли тўн; кезук – ёпинчик (ёмғир пайтида тутилади)...”.

Шунингдек, асарда келтирилган сўзлардан маълум бўладики, ҳамён – ёнқуч, балиқ туғадиган бир хил тўр – изданг, шалғам – жамғур, қакликнинг эрқаги – улар, устига оғир юк ортиндан икки ғилдиракли арава – қангли, мерос, ёдгорлик – қумар, меҳмонхона – қўнуклук эв, гадои – қарачи, кўзи ожиз – қарағу дейилган. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, “қайчи” икки хил ном билан: *қифту* ва *қўшибчак*; қўйнинг юнгини қирқишда ишлатиладиган қайчи эса “жефшанг” деб юритилган. Назаримизда, ушбу сўзларнинг бир қисмини бутунги тилимизда ҳам қўллаш унинг бойлигини оширади ҳамда ўзига хослигини, қадимийлигини, тароватини янада кўпроқ намоен этади.

Биз Гўрўғлининг минган оти Ғирот номи билан машхурлигини биламиз. Унинг этимологияси ҳақида гап кетганида эса кўпроқ “гўр (қабр)”, “кўр (кўзи ожиз)” ҳамда “қур (алп, боғтир)” маънолари қайд этилади. “Девону луғоти-т-турк” уларнинг ёнига яна бир талқинни қўшади. Китобда “қир ат” ифодаси ҳам келтирилган. У “саман от”ни аниқлар экан.

Ўрни келганида айтиш лозимки, китобда от ва унинг турлари тўғрисида ҳам қўлаб маълумотлар жамланган: “йўнд” – от, “йилки” — тўртоёқли хайвонларнинг умумий номи, “тиқилч” – шўх учқур от; “қатир” – ҳахир; “қашга ат” – қашка от; “қисрак” – ёш байтал; “қир ат” – саман от; “қизғил ат” – қизғиш от демакдир... Ушбу силсилани “Қуш қанатин, эр – атин” (“Қуш қаноти билан, эр (мард) оти билан”) мақоли яқуллайди.

Дарвоқе, китобда тўрт юздан ортиқроқ мақоллар ҳам жамланган. Уларни туркий халқларнинг энг қадимий мақоллари дейишимиз мумкин. Мақоллар ижтимоий-машиий ҳаётнинг турли жаҳбаларини қамрайди. Юрт-ватан, оила, меҳнат, меҳнатсеварлик, ялқовлик, ахиллик, дўстлик, донолик ва нодонлик, мардлик ва қўрқоклик, вафодорлик ва хиёнат, одоб ва тарбия, қадр-қиммат, меҳмондўстлик, сажийлик ва бахиллик, яхшилик ва ёмонлик, камтарлик ва мактанчоқлик, сабр ва сабрсизлик, инсоф ва адолат, бахт ва қулфат қиссалари мавзулар мақолларда атрофлича муҳокама этилган. Мана уларнинг айримлари:

Ардам баши – тил. – Одобнинг боши – тил. Авчи неча ал билса, азг анча йўл билди. – Овчи қанча ов хийлаларини билса, айик ҳам шунча қочиш йўлларини билади.

Алин арслан тутар, қучин сичған тутмас. – Ҳийла-тадбир билан арслонни тутиш мумкин бўлса, қуч билан сичқонни ҳам тутиш мумкин бўлмайди.

Анаси тевлук йўвқа йапар, ўғли татик қўша қапар. – Онаси хийла қилиб юпка нон ёпса, боласи зийраклик қилиб қўша-қўша (иккита-иккитадан) оғзига солади.

Атаси аччи алмила еса, ўғлининг тиши қамар. – Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар.

Анич айур: тубум алтун, қамич айур: мен қайдаман? – Қозон айтур: тубим олтин, чўмич айтур: Мен қайдаман?

Бир қарға бирла қиш келмас. Ўязмас атим – йағмур, йангилмас билга – йангку. – Янглишмайдиган мерган ёмғир, хато қилмайдиган доно ақ садоид.

Йирак ер савин арқиш келдурур. – Узок шаҳар (ер) хабарини қарвон келтирар.

Кичика қатигланса, улгазу севнур. – Ёшлиқда тиришчи ҳаракат қилган одам катта бўлғач севинади.

Киши сўзлашу, йилки ййзлашу. – Одамлар бир-бирларини сўзлашиб билганларидек, хайвонлар бир-бирларини ҳидлашиб билади.

Куз келиги йазин белгурур. – Кузнинг келиши ёзда маълум бўлади.

Куч элдин қирса, тўғр туңгруктан чиқар. – Зулм ошиқдан қирса, инсоф туйнукдан чиқади.

Маҳмуд Кошғарий сўзлар маъносини изоҳлашда турли-туман шакл ва усуллардан фойдаланган. Шуларнинг биттаси ўша сўзининг халқ тилида қандай истеъмолда бўлганини аниқ мисолларда кўрсатиб бериш эди. Жумладан, у “Ula” сўзини изоҳлар экан, унга “чўл ва саҳроларда йўл кўрсатиш учун қўйилладиган тош”, дея тавсиф беради.

Маҳмуд Кошғарий буюк қомусий олим сифатида туркий халқлар тарихи, маданияти ва маънавияти учун буюк хизмат қилган улуғ бобоқалонимиздир. Унинг илмий фаолияти қомусий қамрови билан асрларни қаритиб келаятгани бежиз эмас. Биз Маҳмуд Кошғарийни шарқшунослик илмининг қудратли ва

Назокат АТАҚУЛОВА



Сабо

Тонг еллари сочларим ўйнаб, Бошланади яна янги кун!

Бокка томон ташлайман қадам, Гул оралаб ўйнар капалак.

Тонгга пешвоз чиқиб шодланиб, Ишимга йўл оламан шаҳдам.

ҚУЙЛАГАН ДУШТОРИМ ~ ШЕЪРИЯТИ

Мен билан қол

Кунларим бедору тулларим бедор, Сени мадх этгувчи қўшиқларим бор.

Йўқотиб қўйдимми ҳаловатимни, Бепарво ўтсанг гар, қўнглимда ғубор.

Хаёлим сен билан, йўллар-чи йирок, Азоблар бермагин, эй гўзал баҳор.

Ташна руҳим билан сенга хокисор, Хўп десанг, баҳорим, бўлайин тумор.

Шудринг ила гўзал япроқ, майсалар, Бинафшалар хазон топмасин зинҳор.

Ар.ишн ша.и.иш

Йўқотиб қўйишдан қўрқардим ёмон, Ёмонлики раво кўрган ўзингиз.

Хар ўтган кунимга қиламан шукр, Оёғимга тушов бўлолмади ғам.

Урмимнинг йўллари ўтмоқда равон, Умидларим бисёр ҳамма қатори.

Қалбимда қолмади заррача қувонч, Умидим сўндирди ишқининг заволи.

Ў.ишн

Ахён-ахён деразам чертиб, Шивир-шивир хол-ахвол сўраб,

Янгиланган орзулар сари, Ишончимни этгандай ишғол.

Дунёларга кўрк бер хавас-ла, Кўнглиларда қолмасин қаҳр.

Дардларимни ювиб кет, ёмғир...

Т.ишн

Мағрур тоғлар бўлиб хотиржам, Илк шеърларим сен тинглагандинг.

Ох тоғларим, виқорли тоғлар, Сенга ҳамроҳ гуллаган боғлар!

Болалигим, ўтмишни эслаб, Мана бугун кўргани келдим.

Қаршингдаман, бир лаҳза тингла, Бола каби шеърлар айттайин.

Шеърим

Юрагим чорлаган азиз меҳмон, Боғ ичра ҳукмрон, сукунат они,

Ҳижронинг боғида оқибат кутсам, Соғинчлар зулмидан аянухлар ютсам,

Тугёнга ошуфта оловли байтсан, Хонишимга қўмак берган қудратсан,

Журъатим ўзингсан бахтли кунларда, Уйғокман сен билан ойдин тулларда,

Бошланиши 1-саҳифада

Масхарабоз инглиз тилида "Бутун дунё театр, ундаги одамлар эса актёрлардир", дейди. Кейин Кирил номидан унинг монолоғи, гапларини айта бошлайди.

Дарвоқе, Лирнинг нимадан жаҳли чиқди, нима учун у бунчалик ғазабланди? Юз йиллар давомида айнан шу саволларга жавоб топиш учун режиссёрлар бу фожеага қайта-қайта мурожаат қилдилар.

Режиссёр В.Умаров талқинида икита мавзуну кузатиш мумкин. Бир томондан, кизларга бўлган беғубор ишончи пучга чиққан кекса инсон,

вий идеалларнинг, соф инсоний муносабатларнинг таназулидир. Ҳар икки воқеликнинг сабаби битта — ҳокимият учун кураш барча инсоний муносабатларни вайрон қилади.

САМАРҚАНДГА КЕЛДИ «ҚИРОЛ ЛИР»

тушади, киролик рамзи бўлган тож осилиб туради. Буларнинг бари режиссёрнинг ҳукмронлигининг кучи ва инсоннинг бу куч олдида нақадар химоясиз экани ҳақидаги фикрларини ифодалади.

Лир спектаклининг марказий образи бўлиб, асосий сюжет линиялари унга бориб боғланади ва ундан тарқалади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Солижон Ҳақимов ижросидаги Кирил Лир баландпарвозлик ва хашаматдан холи образ.

фармо киролик пайдо бўлади. Ўзи ўйлаб топган ўйин қандай оқибатларга олиб келишидан у ҳали беҳабар. Вазиятни ўзи чигаллаштирган киролик ҳокимиятни йўқотган, ўзи айбдор ва жабрланувчи бўлиб қолишини билмайди.

САМАРҚАНДГА КЕЛДИ «ҚИРОЛ ЛИР»

қизининг жавобидан ғазабланади. Бироқ вақт ўтиши билан онги тиниклашиб, бўлаётган воқеаларни тушуниши жараёни образ ривожига асосий воқеликка айланади.

Бугун давлатини бўлиб берган иккала қизи Лирни жуда совуқ кутиб олишади, энг оддий илтимосларини ҳам, кейинчалик ўтинчларини ҳам бажаришмайди. М.Ҳақимова ижросидаги Гонерилья шафқатсиз, лекин отасидан босиқлик билан ҳисоб сўрайди, унга нима қилишни, қандай яшашни маслаҳат беради.

Кирилнинг ўзи воқеалар ривожига аҳволининг ноқурлигини ҳис қилади ва уй-жойсиз, ёрдамга муҳтож қарияга айланиб, ўзи бу ерлардан кетади. Режиссёр спектаклда чорасизлик муҳитини яратган.

Хотимада, ёвузлик ва разолат сўнгги нуктага етганда, минора ажралиб, кўм-кўк муҳит пайдо бўлади. Тутунлар орасида узун қўйлақда, жонсиз Корделия ётган аравага итарган ҳолда Лир пайдо бўлади. Шафқатсиз ва кўркинчи ўйин фожеали якун топади.

В.Умаров сахнага қўйган "Қирол Лир", биринчи навбатга, одамларнинг ўз иккинчиларини тушунақликларини, оталар ва болалар ўртасидаги муносабатларда қаттиққўллик қилишининг тузатиб бўлмас оқибатлари ҳақидаги фалсафий ҳикоятдир.

Мухаббат Тўлаҳўжаева, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

ЯХШИЛАР ЁДИ

ЎҚИЛМАГАН ХАБАР

Тахририятга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасидан кўнгирик бўлди. Ишхонамиз бир бинода жойлашгани учун тезда уюшма раиси Саъдулла Ҳақимовнинг хузурига бордим.

— Сизни уюшмамиз қошидаги Журналист хотин-қизлар кенгашига раис этиб сайламоқчимиз, — деди устоз.

— Аммо мен уддалай олармикиман? — дедим.

— Албатта, уддалайсиз, ахир узок йиллардан бери шу соҳадасиз, бош муҳаррирсиз! Бу газетани ўқиб, бугун журналистика соҳасига кириб келаётганлар қанча, — дея мен фаолроқ юриётган нашрни кўларга кўтарди у.

Устознинг хонасидан чиқиб, тахририятимиз томон юриб эмас, гўё учиб бордим. У кишининг: "Сизни кенгаш раиси этиб сайладик", деган гапларидан кўра "Тонг юлдузи" ҳақида айтган сўзлари мени кўпроқ қувонтирган эди. Ўша заҳотиёқ ходимларни тўплаб, Журналистлар ижодий уюшмаси раисининг "Республика болаларининг катта наشري" ҳақидаги фикрларини етказдим ва шуни ҳис қилдимки, тахририятимизнинг ҳар бир ходими шундай улуг даргоҳда меҳнат қилаётгани билан яна бир қарра фахрланди...

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, танкили шоир, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов ҳамкасбларига, атрофидагиларга кўтаринки кайфият бера оладиган ижодкор эди.

Журналист хотин-қизлар кенгаши томонидан устоз бошчилигида бир неча тадбирлар уюштирдик.

Ана шундай тадбирлардан бирида бир журналист аёл уюшма фаолиятини танкид қилди.

— Тўғри айтдингиз, — деди устоз, — сизнинг бу танкиднингиздан сўнг ўз фаолиятимизни қайта кўриб чиқамиз, янада яхшироқ, унумлироқ ишлашга ҳаракат қиламиз. Сизларнинг фикрингиз биз учун ниҳоятда муҳим.

Саъдулла Ҳақимов маданиятли, вазмин, танкиддан ҳам тўғри хулоса чиқара оладиган инсон эди. Устознинг "Янги Ўзбекистон" газетаси 2020 йил 3 октябрь сонидан босилган "Матбуот ва мактаб — болага қўш қанот" мақо-



ласини қайта-қайта ўқийман. Мақоладаги ушбу сатрлар эса кўлоғим остида жаранглайди: "Сўз қадри ва эркинлигининг таълим ва тарбия билан ялакат мағиз экани то шу пайтгача бу қадар жиддий кўриб чиқилмаган эди. Фундаментал сўз эркинлиги миллатнинг маънавий-маърифий томирлари билан чирмашиб кетган, ўз замонида маърифатпарвар, саховатпеша қадид боларимизнинг умумхалқ ҳаракатида кузатилган эди. Фундаментал сўз эркинлиги ва таълим-тарбия ёш авлоднинг Учинчи Ренессанс сари етакловчи қудратли икки қанотдир, мустақкам икки устундир".

Саъдулла аканинг бетобликларини эшитиб, телеграм орқали қуйидагича ёзув жўнатдим: "Ассалому алайкум, устоз. Дарднингизга шифо сўраймиз. Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситаларига эътибор кучайган бир паллада сиздан долзарб мавзудаги танқидий-тахлилий мақолалар, бетақдор шеърлар кутиб қоламиз. Жамоамиз ва ўз номидан сизга сихат-саломатлик, омонлик тилайман. Тезроқ шифо топиб, оилангиз бағрига, сафимизга қайтишингизни интизорлик билан кутамиз".

Афсуски, мен юборган хабар ўқилмай қолди... Аммо қалбимга бир фикр таскин беради: бетақдор ижодкорнинг сермазмун асарлари ҳали кўплаб ўқувчилар қалбидан жой олади, уларни руҳлантиради. Самимий, камтарин ва беназир ижодкорнинг ёрқин хотираси уни таниган, билган инсонлар қалбидан яшайди.

Феруза АДИЛОВА, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири

ЛУҚМА

«ЖУРНАЛИСТ»ДА ЖУРНАЛИСТ ЙЎҚ-КУ!

Тунов кунни халқимизнинг таниқли зиёлиларидан бири кеч соат тўққизлар атрофи эди, шекилли, кўнгирик қилиб: "Ўйдамысиз, хотин-халаж кўрадиган сериал бор, номидан ўргилай, "Журналист" эмиш, бизам сал-пал қалам тебратиб юрамиз, номимиз улуг-да, Журналист! Бир кўзим тушувди, сериалдаги журналистни тувагим тиллодан-ов. Уй-жой, дабдалаи ҳаёт, э, буёғи эртақ иним, бу дейман, бирор чет эллик кўриб қолса, борми, Ўзбекистонда энг бой халқ журналист экан-ку, деб ўйлайди. Бу кинони кўриб биттаям қаламкаш мик этмаса, нима деган гап? Қачонгача ёлгон билан ўзимизни алдаймиз?"

Тўғриси, менам кўрувдим шу кургур сериалнинг беш-ўн минутини. Тушунмаганман. Нима демокчи ўзи, бу киночи режиссёрлар, деганман! Сценарийсини ким ёзганиним билмайман, лекин қуноқча адиб айтаётган хавотирлар минг бора тўғри. Майли, одамларни хар хил "кўринар-кўринмас" бало-қазолар(пандемия дегани бошланганига энди олти ой бўлди)дан қалғитиб

туриш учун шунақа кинолар берилиши мумкин-дир. Хув Мексика, япон ё турк сериаллари намоён этилганини ҳалиям кўпчилик эсласа керак. Лекин "Журналист"га ўхшаган аччиқ ичкадек чўзиладиган, билмайман неча қисм экан, бундай кинолар миллатга нима беради? Маънавиятнинг ўстирадими ё боримизнинг супуриб кетадими? Бундай вазифани интернет дегани «койиллатиб» бажаряпти ҳозирча!

Бугун кўрпачага мукка тушволиб, "Ўтган кунлар" ё "Улугбек ҳазинаси", "Олмос камар" ё "Намозботир"ни ўқийдиганлар кўп десам, мени мерова чикариб, замондан ортда қолганлар қаторига қўшиб қўядиганлар сони мингта. На илож, булар ўзимиз пиширган шўрва, айланмасданам ичяпмиз. Булар ҳали ҳолва, бир замонлар китоб ўқи, кино кўриб хаяжон ичра кўз ёш тўққанмиз десангиз, неварамиз "жинни бўганмисилар" деб турса, нима қиламиз?

Дарвоқе, киносиям курсин, мавзудан қалғидим. Хуллас, "Журналист" деган сериалда ким

кимнинг устидан қулапти, мақсад, менга ўхшаган қалам китирлатиб, қораламаларини минг бир ҳадик билан устозларга кўрсатолмай хижолат ичра журналистман, дейишга ҳалиям истиҳола қилиб юрганларнинг тушигаям қирмайдиған "жаннатмакон" ҳаётни кўриб, оддий томошабин тасавурида ижодкор аҳлига ҳурмат уйғотишми ё нафрат?!

Шахсан мен киночи мутахассис эмасман. Ёки бу соҳани обдон таҳлил қилишга тишим ўтмайди. Бизда ахён-ахёнда кино, театр асарлари ҳақида ажойиб танқидий мақолалар ёзиб қоладиган ижодкорлар, қани, сизлар "Журналист" деган бош-адоғи эртақнамо сериал ҳақида нима дейсизлар?

Киночи дўстлар, илтимос, аввал асарингизга ном танланаётганда шу соҳа вақиллари ҳаёти ва қисматини ўрганинг; кўринг, ана шундагина бунақа ёлгон-ёвғон асарлар эфир юзини кўрмайди!

"Журналист"да журналист бормикан ўзи?!

Норқобил ЖАЛИЛ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



ЎЗБЕКISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32 Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир Салим АШУРОВ



Тахририятга келган кўтеъмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул қотиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ Навбатчи муҳаррир: Абдулмажид АЗИМОВ Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Азали - 5016. Буыурта Г - 1055. Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириши вақти - 21.00. Босишга топиришди - 21.15.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X



Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Сағват бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60